ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ

«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

5230100- Иқтисодиёт таълим йўналиши IV курс 63-14 гурух талабаси

САФАРОВ САИДЖОННИНГ

“КИЧИК КОРХОНАЛАРДА ФОЙДА КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ (РЕАЛ СЕКТОР СУБЪЕКТЛАРИ МИСОЛИДА)”

МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ - МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимоя учун қабул қилди:	Илмий раҳбар:
“Иқтисодиёт”	“Иқтисодиёт” кафедраси
кафедраси мудири и.ф.н.	ўқитувчиси Ш.Х.Махмудов
доцент О.Сатторкулов	
«__»_____ 2018 й.	“____” _____2018 й

Гулистон – 2018

МУНДАРИЖА		бети
	Кириш	
I боб	**Кичик корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва уларни ривожланиши йўналишлари**	
1.1.	Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг белгилари, функциялари ва вазифалари	
1.2	Ўзбекистон Республикасида корхоналарнинг таснифланиши ва таркиби	
1.3.	Кичик корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш тамойиллари ва шакллари	
II боб	**Кичик корхонларда ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ва уларни баҳолаш**	
2.1.	Кичик корхонларда ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси, таркиби ва ҳаражатларнинг ўзгариш тамойиллари	
2.2.	Корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг услубий асослари	
2.3.	Кичик корхоналарда молиявий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш	
III боб	**Кичик корхоналарда фойда кўрсаткичларини таҳлил этиш ва унинг ҳажмини ошириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш йўналишлари**	
3.1.	Реал сектор кичик корхоналари фойдаси, уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниклаш усуллари ва тақсимланиши	
3.2.	Кичик корхоналарнинг фойдасини тахлили	
3.3.	Кичик корхоналарда фойда ҳажмини ошириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш йўналишлари	
	Хулоса	
	Адабиётлар руйхати	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда ишлаб чиқариш тизимида, хусусан, кичик корхоналар фаолиятини баҳолашда фойда асосий иқтисодий кўрсаткич қилиб олинган. Аммо, бу маҳсулот таннархи кўрсаткичининг аҳамиятини камайтиради, деган гап эмас. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш-молия режасини тузишда маҳсулот таннархи иқтисодий кўрсаткичига алоҳида аҳамият берилади.

Маҳсулот таннархи корхона ёки ишлаб чиқариш бирлашмаси молия-хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини акс эттирувчи кўрсаткичдир.

Корхоналарда маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган эътибор, муҳим устивор вазифани ҳал қилишда ишлаб чиқариш ресурсларини тўғри сарфлаш, белгиланган сарфлаш нормативларига риоя қилиш, иқтисод қилиш тартибини амалда кенг қўллаш лозим. Шунинг учун ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишни тўғри ташкил қилишга катта аҳамият берилмокда.

Бугунги кунда корхоналар фойдасини шаклланиш жараёни ва унинг тақсимланиши ҳар бир бирлашмада ишлаб чиқариш ҳисоби ва таннархни тўғри ташкил қилишнинг имкониятларини шакллантирган ҳолда қуйидагиларни ўз ичига олади: аввалдан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган технология режасининг мавжудлиги, замонавий ишлаб чиқариш талабларига мувофиқ ишлаб чиқариш харажатлари меъёрининг мавжуд бўлиши, омбор хўжалигининг тўғри ташкил қилиниши ва ишлаб чиқариш зарур ўлчов асбоблари ва мосламалар билан таъминланган бўлиши, ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик счёти, калькуляция объектлари ҳамда калькуляция бирлигини аниқлаш, калькуляция моддалари, комплекс харажатлар моддалари номенклатурасини ишлаб чиқиш, комплекс харажат моддаларини калькуляция объектлари ўртасида тақсимлаш усулини танлаш муҳим ҳисобланади. “Бизнинг вазифамиз – тўпланган тажриба ва илғор

халқаро амалиётга суянган ҳолда, - деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кириши маросимига бағишланган нутқида, – ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни қатъий амалга оширишдан иборат. Шу борада яқин ва ўрта муддатга белгиланган марраларга эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилишимиз зарур. Шу мақсадда 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш яқин кунларда якунланади[1]”.

Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишда корхоналарда харажатларни ҳисобга, харажатларни тўлиқ ва ишончли акс эттириш корхона фойдаси, унинг тақсимланиши ва ишлатилишини аниқ мақсадга йўналтириш долзарб вазифалардан бири эканлигидан далолат беради. Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида республика ЯИМга сарфланадиган энергия сарфини 7,4 фоиз, ҳамда йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини эса ўтган йилга нисбатан ўртача 10,6 фоиз камайтиришга эришилди[2]. Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида 2017 йилда саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш ва рақобатдошлигини оширишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган. Шу жумладан, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 8 февраль 2017 йил.

[2] *Ш. Мирзиёев.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.// Халқ сўзи, 15 январь 2017 йил.

жараёнларни оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу йўналишга корхоналарнинг маблағлари ва тижорат банклар кредитлари ҳисобидан 602 000,0 миллион сўм инвестициялар йўналтирилади, бу эса маҳаллий маҳсулотларнинг, биринчи навбатда, ташқи бозорларда рақобатдошлигини ва тармоқларнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади[3]. Шу муносабат билан ушбу мавзу бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур илмий иш мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик корхоналарда фойда кўрсаткичларини таҳлил этиш ва унинг ҳажмини ошириш бўйича ички имкониятларни аниқлашнинг айрим назарий ва амалий масалалари иқтисодчи олимлардан И.Т.Абдукаримов[4], Л.И.Кравченко[5] А.М.Фридман[6], Б.А.Абдукаримов[7], М.М.Мухаммедов[8], Н.Қ.Йўлдошев[9] ва М.Қ.Пардаев[10] лар томонидан кенг ўрганилган ва тадқиқ қилинган.

Кичик корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва уларни ривожланиши йўналишлари ҳамда кичик корхонларда ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ва уларнинг баҳолаш республикамиз иқтисодчи-олимлари – Вахабов А.В, Алимов А.М., Бедринцев А.К., Йўлдошев Ш., Исажонов А., Мўминов Н, Марпатов М., Орифхонов Ш., Раззоқов Р.М., Расулев А.Ф., Сиражиддинов Н., Трушин Э.Ф., Турсунов Б.М., Тўхлиев Н.Т., Шодиев Р.Ҳ. ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

---

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 8 февраль 2017 йил.

[4] Абдукаримов И.Т ва бошқ. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: “Ўқитувчи”, 2015.

[5] Кравченко Л.И. Анализ хозяйственной деятельности. Мн.: Выш. школа, 2015.

[6] Фридман А.М. Экономика предприятий . Учебник. – М.: «Дашков и Ко» 2016.

[7] Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик,-Т.:«Иқтисод-молия». I-қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри, 2014.

[8] Мухаммедов М.М и др. Экономика торговли. Самарканд. 2015.

[9] Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисодиёти.Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2015.

[10] Пардаев М.Қ, Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2016, Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. “Иқтисод молия”, 2017.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар фойдасини шаклланиш жараёни ва унинг тақсимланиши ҳар бир бирлашмада ишлаб чиқариш ҳисоби ва таннархни тўғри ташкил қилишнинг имкониятларини шакллантириш иқтисодий юксалишнинг асосий омили ҳисобланади.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсади кичик корхоналарда фойда кўрсаткичларини таҳлил этиш ва унинг ҳажмини ошириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш йўналишларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг турлари ва шаклларини, ўрни ва ривожланишини илмий ёритиш;
- Кичик корхоналар фаолиятини ташкил этишнинг асосларига оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;
- Кичик корхонларда ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ва уларнинг баҳолаш
- Кичик корхоналарда молиявий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш
- Кичик корхоналарда фойда ҳажмини ошириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш йўналишлари таҳлил қилиш асосида ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш.

БМИнинг объекти сифатида реал сектор субъектлари мисолида кичик корхоналарда фойда кўрсаткичларини таҳлил этиш ва унинг ҳажмини ошириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш йўналишлари танлаб олинди.

БМИнинг назарий ва услубий асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини қарор топтириш бўйича илгари сурилган ғоялар, иқтисодий

ислоҳотларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг тадқиқ этилаётган муаммо юзасидан олиб борган илмий ишлари ва асарлари хизмат қилди. БМИни ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги маълумотларидан кенг фойдаланилди.

БМИда иқтисодий-статистик таҳлил, статистик гуруҳлаш, таққослаш, прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилди.

БМИнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

- Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг турлари ва шаклларини илмий ёритиш;
- Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналарнинг ўрни ва ривожланишига оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;
- Кичик корхоналар фаолиятини ташкил этишнинг асосларига оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;
- Кичик корхонларда ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ва уларнинг баҳолашни ёритиш;
- Кичик корхонларда ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва унинг таркибини таҳлил қилиш;
- Кичик корхоналарда ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ўзгариш тамойилларини ёритиш;
- Кичик корхоналарда молиявий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг самарадорлигини баҳолашни ёритиш;
- Реал сектор кичик корхоналари фойдаси ва унинг тақсимланишини таҳлил қилиш;
- Кичик корхонларда ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси, таркиби ва ҳаражатларнинг ўзгариш тамойиллари, корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва маҳсулот таннархини таҳлил

қилишнинг услубий асослари**;**

- Кичик корхоналарда фойда ҳажмини ошириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш йўналишлари ёритиш.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти. Илмий изланиш натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлардан “Иқтисодиёт назарияси”, “Микро ва макроиқтисодиёт”, “Корхона иқтисодиёти”, “Бизнес-режалаштииш” фанларидан машғулотларни ўтишда фойдаланиш мумкин.

БМИнинг таркибий тузилиши. Иш таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси асосланиб, ишнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган.

Ишнинг биринчи боби **“**Кичик корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва уларни ривожланиши йўналишлари”да Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг белгилари, функциялари ва вазифалари, Ўзбекистон Республикасида корхоналарнинг таснифланиши ва таркиби, кичик корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш тамойиллари ва шакллари очиб берилган**.**

Ишнинг иккинчи боби “Кичик корхонларда ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ва уларни баҳолаш” да кичик корхонларда ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси, таркиби ва ҳаражатларнинг ўзгариш тамойиллари, корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг услубий асослари, кичик корхоналарда молиявий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш ўрганилган.

Учинчи боб – “Кичик корхоналарда фойда кўрсаткичларини таҳлил этиш ва унинг ҳажмини ошириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш йўналишлари”” да реал сектор кичик

корхоналари фойдаси, уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниклаш усуллари ва тақсимланиши, кичик корхоналарнинг фойдасини тахлили, кичик корхоналарда фойда ҳажмини ошириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш йўналишлари таҳлилий ўрганилган ҳамда илмий аҳамиятга молик зарурий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқувчи асосий таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий асослари юзасидан илмий-амалий тавсия ва хулосалар шакллантирилган.

I БОБ. КИЧИК КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНИШИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1.1.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ, ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Корхона – тадбиркорлик объекти, мулкчилик мажмуи ёки асосий ишлаб чиқариш бирлиги. Қонуний нуқтаи назаридан – у ҳуқуқий шахс. У бирламчи хўжалик бўғини бўлиб, 4 та асосий белгига эга: асосланган мулкка, ташкилий бирликка, мулкий жавобгарликка ва хўжалик фаолиятида мустақил қатнашишга[11].

Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Қонунига биноан ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект корхона ҳисобланади.

Корхонанинг барча фаолияти Ўзбекистон Республикаси «Корхоналар тўғрисида»ги қонунининг қуйидаги бўлимлари орқали тартибга солиниб турилади:

1. Умумий қоидалар;
2. Корхоналарни ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;
3. Корхонанинг мулкдори ва мол – мулки;
4. Корхонани бошқариш;

[11] Артиков А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2016. 13- бет.

5. Корхона хўжалик фаолиятининг асослари;
6. Корхонанинг ижтимоий кафолатлари;
7. Корхона ва давлат;
8. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш.

Корхонани турли омиллар бўйича характерлаш мумкин:

I. Ишлаб чиқаришнинг техник муносабати – бу, тизим сони ва қуввати, ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг сони ва турларига ҳамда уларни тайёрлаш технологиясига боғлиқ;

II. Ижтимоий муносабат – бу турли категориядаги ишчиларнинг ўзаро муносабатларини ҳуқуқи ва мажбуриятлари асосини жамловчи меҳнат жамоаси;

III. Маъмурий, ҳуқуқий-ташкилий муносабатида корхона ҳуқуқий шахс сифатида амал қилади;

IV. Молиявий-иқтисодий муносабат – бу, бозор муносабатлари тамойилларида, яъни харид қобилияти, ўзини молиявий таъминлаш, ўзини - ўзи бошқариш асосида фаолият юритувчи мустақил тармоқ бўғини(звеноси).

Амал қилувчи қонунларга биноан корхона давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ҳуқуқий шахс деб тан олинади[12].

Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: таъсисчининг аризаси; корхона низоми; корхонани ташкил этиш тўғрисидаги қарор ёки таъсисчиларнинг шартномаси; давлат божи тўланганлиги ҳақидаги гувоҳнома.

Ҳар бир корхонанинг низоми тасдиқланади. Унда корхонанинг номи; жойлашган жойи; корхона бевосита бўйсунувчи юқори ташкилотнинг номи; корхонанинг устав фонди ва банк муассасидаги ҳисоб рақами; корхона раҳбари лавозимининг номланиши, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; тузилмавий(структуравий) бирлик рўйхати (перечень); бош

[12] Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2015.17-бет.

тузилмавий(структуравий) бирликнинг номланиши; ҳисобот тартиби каби кўрсаткичлар кўрсатилган бўлади.

Корхона ўзига хос белгиларга эга:

1. биринчидан, у ўзига тегишли мулкка эга бўлишга ҳақли, у ўз навбатида корхонанинг фаолиятидаги моддий-техникавий базани яратади, унинг иқтисодий мустақил ва ишончлилигини таъминлайди;

2. иккинчидан, корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк асосида бюджет олдида ҳамда кредиторлар билан ўзаро муносабатларда юзага келадиган жавобгарликлар учун жавоб бериши;

3. учинчидан, корхона хўжалик юритиш жараёнидаги муносабатларда ўз номидан иштирок этади. Бунда корхона қонун ҳужжатларига асосланиб, ўз шериклари, истеъмолчилари, таъминотчилари ҳамда фуқаро ва бошқа юридик шахслар билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга;

4. тўртинчидан, корхона қонунчилик ва шартномага мувофиқ хўжалик судида давогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин;

5. бешинчидан, корхона ўзининг мустақил баланс ва сметасига эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнидаги қилинадиган барча ҳаражатлар ҳисобини ҳамда давлат органлари томонидан белгиланган даврий ҳисоботни олиб боради;

6. олтинчидан, корхона ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгиловчи номига эга бўлади.

Корхоналарнинг фаолияти ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва муомала жараёнларидан ташкил топади.

Ишлаб чиқариш муҳити фаолияти янги буюмлар ишлаб чиқаришнинг техник тайёргарлигини ва ишлаб чиқариш жараёнининг ўзини ташкил этишдан иборат.

Қайта ишлаш муҳити ишчи кучи ёллашни ташкил этиш, кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини кўпайтириш ва кенгайтириш жараёнларидан иборат.

Муомала муҳити – ишлаб чиқаришни моддий-техник таъминлаш ва маҳсулот (иш, хизмат) сотишни ташкил этишдир.

Корхонани ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида ўрганиш уни функциялаштирувчи икки жиҳати – шахсий тизими ва ташқи муҳитини кўриб чиқишни тақозо этади. Корхонанинг ички муҳити – бу, инсонлар, ишаб чиқариш буюмлари, ахборот ва пуллар. Ички муҳитнинг ўзаро ҳаракати натижаси тайёр маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар ҳисобланади.

Корхонанинг ташқи муҳит билан алоқаси босқичдан тизимга (ресурсларни жалб этиш, уларнинг баҳосини аниқлаш, хом ашё материаллар, ёқилғи ва бошқаларни етказиб беришнинг доимийлиги) чиқиш ўрнига эга ва ўзини чиқишида, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлари оқими орқали ташқи муҳитга таъсир этишида намоён қилади.

Ташқи муҳит корхона ишлари самарадорлигини аниқлаб беради. Корхонанинг ташқи муҳити – бу маҳсулот истеъмолчилари, ишлаб чиқаришнинг асосий қисмлари (компонентлари)ни етказиб берувчилар ва шу билан бирга давлат идоралари ҳамда корхона атрофида яшовчи аҳоли.

Бозор муносабатлари шароитида корхона фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади[13]:

– бозорни ва унинг ривожланиш истиқболини комплекс ўрганиш асосида харидорларнинг маҳсулот ва хизматларга жорий ва истиқбол талабларини аниқлаш;

– маҳсулотнинг янги шакллари ва намуналарини яратиш бўйича илмий-тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш;

– истеъмолчилар талабларини қондиришга мос келувчи маҳсулот ишлаб чиқариш;

---

[13] Пардаев М.Қ, Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2017. 27-32 бетлар.

– ишлаб чиқариш ва молиялаштириш фаолиятини мувофиқлаштириш, режалаш ва дастурлаш;

– маҳсулотни сотиш ва тақсимлаш тизимини такомиллаштириш;

– корхонанинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилиш (у ўз ичига ишлаб чиқариш, қадоқлаш, сотиш, реклама, техник хизмат кўрсатиш ва бошқа жараёнларни бошқаришни қамраб олади).

Мана шу фаолиятдан келиб чиқиб корхона қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ✓ Корхона эгаси томонидан даромад олиш.
- ✓ Истеъмолчиларни маҳсулот билан таъминлаш.
- ✓ Ишчиларни иш ҳақи билан таъминлаш.
- ✓ Корхона атрофида яшовчи аҳоли учун янги иш жойларини яратиш.
- ✓ Атроф-муҳитни муҳобосқич қилиш.
- ✓ Корхона иш фаолияти тўхтаб қолишининг олдини олиш.
- ✓ Меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш шаклларини такомиллаштириш.

Корхона хўжалик фаолияти жорий ва келгуси даврдаги вазифаларни ҳал этиш учун қуйидаги функцияларни бажариши керак:

- ➢ Ишлаб чиқариш ва шахсий истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқариш.
- ➢ Маҳсулотни истеъмолчиларга етқазиб бериш.
- ➢ Сотишдан кейин хизмат кўрсатиш.
- ➢ Ишлаб чиқаришнинг моддий-техник таъминоти.
- ➢ Ишчи ходимлар меҳнатини ташкил этиш ва бошқариш.
- ➢ Солиқларни тўлаш, бюджетга тўловлар, мажбурий ва ихтиёрий тўловларни тўланишини таъминлаш.
- ➢ Давлатнинг қонуний меъёрларига, амалдаги стандартларга амал қилиш.

1.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРХОНАЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА ТАРКИБИ

Ҳар бир корхона бошқа корхоналардан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқараётгани, ишлаб чиқариш характери, миқёси, жойлашган жойи, халқ хўжалигининг бошқа бўғинлари билан кооперациялашганлиги даражаси ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради. Лекин бу ҳар бир корхона учун алоҳида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш зарурлигини билдирмайди. Буларни иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тузилмаси (структураси)ни яратиш, бошқариш ҳамда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби бир томонлама кўплаб муаммоларини ҳал этиш мақсадида корхоналарни таснифлаш орқали аниқлаш ўзини оқлайди.

Корхонанинг энг муҳим хусусияти қуйидаги белгилар[14]га, чунончи, унинг тармоққа мансублиги; ўлчами; ишлаб чиқаришнинг турли босқичларни қамраб олиш даражаси; бир турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўлами ва ихтисослаштириш даражаси; ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари, автоматлаштириш ва механизациялаш даражаси ҳамда ташкилий, ҳуқуқий шаклига боғлиқ.

Тармоқ бўйича корхона ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш корхоналарига;

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва кўринишига кўра саноат, қишлоқ хўжалик, транспорт, молиявий кредит корхоналари ва ҳ.к. ларга;

Умумий технологик белгиси бўйича ишлаб чиқариши тўхтовсиз ва дискрет ёки механик ёхуд кимёвий жараёнларга асосланган корхоналарга бўлинади.

---

[14] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида. 2003 йил 11 октябрь, 439-сон.

Тайёр маҳсулотнинг белгиланиши бўйича корхоналар 2 та катта гуруҳга: а) ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи; б) истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга ажратилади.

Фойдаланадиган хом ашё характерига кўра, саноат корхоналари қазиб олиш саноати ва қайта ишлаш саноати корхоналаридан;

Ишлаш давомийлиги бўйича: мавсумий ва йил бўйи ишловчи корхоналардан иборат.

Бундан ташқари улар ишловчилар сонига кўра кичик ва йирик корхоналарга бўлинади. Қонун хўжатларига кўра **микрофирмалар** деб ишлаб чиқариш тармоқларида йил мобайнида 10 та, савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида 5 киши банд бўлган корхоналарга айтилади. Кичик корхоналарга саноатда – 200; қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда – 20; илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида – 10 нафаргача ишловчилар бўлган корхоналар киради.

Йирик корхоналарга йил давомида ўртача ишловчилари сони кичик корхоналардагидан кўп, чунончи, саноатда – 201; қурилишда – 50; қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, улгуржи савдода – 30; чакана савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида – 20 нафардан ошмаган корхоналар киради;

Корхоналар ихтисослигига кўра ихтисослашган, универсал ва аралаш корхоналарга бўлинади. Ихтисослашган корхоналарга чекланган номенклатурадаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар; универсал корхоналарга турли хил ва шакллардаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар; аралаш корхоналарга ихтисослашган ва универсал корхоналар орасидаги гуруҳлар киради.

Корхоналар шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнига кўра, оқимли, партиялаб ва доналаб ишлаб чиқариш услублари қўлланиладиган корхоналар гуруҳларига;

Механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражасига кўра, мажмуавий ва қисман автоматлаштирилган, мажмуавий ва қисман механизациялаштирилган, машина-қўл ва қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқариш корхоналарига бўлинади.

Қонуний ҳужжатларга кўра, янги иқтисодий категория киритилди. Уларга асосан корхоналар ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра, хусусий, давлат, жамоа, аралаш мулкга эга корхоналарга ажратилади.

Хўжалик юритувчи уюшмалар тўла ҳуқуқли уюшма ва масъулияти чекланган жамиятларга бўлинади.

Хусусий тадбиркорлик доирасида якка тартибдаги (индивидуал) ва гуруҳли мулк шакллари мавжуд бўлиб, уларга асосланган корхоналар учта асосий турга бўлинади[15]:

– биринчи турдаги корхоналар мулкка эгалик қилиш ва бошқариш вазифасининг қўйилиши билан характерланиб, якка шахс томонидан бошқарилади;

– иккинчи турдаги корхоналар ўртоқлик уюшмаларидир, бундай бизнес турида пайга эгалик қилувчи икки ёки ундан ортиқ шахс иштирок этади, унинг ўзига хос хусусияти бошқарув вазифаларида ихтисослашувидир;

– жамиятлар бундай бошқариш вазифасига эгалик қилишдан холи бўлиб, уларда корхона фаолиятига чекланган жавобгарлик мавжуд бўлади.

Капиталининг келиб чиқиши ва фаолият даражасига кўра, корхоналар (фирмалар) миллий ёки миллатлараро турларга бўлинади. Миллатлараро асосан йирик концернлар бўлиб, улар халқаро миқёсдаги тармоқлараро фаолияти билан характерланади.

Ўртоқлик уюшмаларига кирувчи жамиятларда иштирокчилар ўзаро тузилган шартномаларга кўра фаолият олиб борадилар ҳамда шу жамият

[15] Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари.-Т.: Меҳнат, 2015. 37-41 бетлар.

мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли мулк доирасида жавоб берадилар. Бу тўла ҳуқуқли жамият бўлиб, жавобгарлик даражаси чекланмаган.

Командит уюшма – хўжалик фаолиятини юритиш мақсадида ўзаро тасдиқланган шартномага асосан бирлашувчи бир неча фуқаро ёки юридик шахслар уюшмасидир.

Бирлашма ва уюшмаларга интеграциялашувга интилаётган фирма ва корхоналарнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: 1) интеграция комплекси доирасида молиявий барқарорликни ошириш; 2) янги маҳсулотни яратишда инвестиция (технология)ни жалб этиш, инвестицияларни амалга оширишнинг ҳаракатчан усулларини таъминлашишига эришиш; 3) тўрежаган натижаларни янада истиқболли фаолият йўналишига жалб қилиш; 4) ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, уларга бўлган талаб даражасини сақлаб қолишга эришиш; 5) прогрессив асосдаги техник қайта жиҳозлашни амалга ошириш; 6) халқаро бозорларга чиқиш учун миллатлараро бизнесга кириб бориш; 7) бозорнинг тор сегментларидан фойдаланиш, унинг имтиёзларини таъминлаш; 8) турли хил ёрдам (консалтинг, трейнинг, маркетинг ва бошқалар) олишга эришиш. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги уюшмалар тузилиши мумкин: консорциум, картель, «Pool».

Консорциум – бу, иштирокчиларнинг картель келишуви асосидаги шундай бирлашмасики, унда капитал чуқур илмий лойиҳаларни амалга ошириш учун йирик молиявий операцияларни бажаришга жалб қилинади. Консорциумни ташкил этишда барча иштирокчилар мақсадга эришиш учун ўзаро келишиб сайланган раҳбариятга бўйсуниб, ўз мустақиллигини сақлаб қолади.

Картель – бу, келишув асосидаги уюшма бўлиб, унда барча иштирокчилар учун мажбурий бўлган қуйидаги шартлар белгиланади: ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот ҳажми, бозорга чиқариладиган товарлар меъёри ва бошқалар. Картель иштирокчилари ўзларининг юридик ва хўжалик

юритишдаги мустаққиллигини сақлаб қолади. Картель шартларининг бўзилиши иштирокчиларнинг жарима тўлашига олиб келади. Картельнинг умри иштирокчиларнинг молиявий аҳволига ва ички рақобатига боғлиқ бўлади.

“Pool” – манфаатдор иштирокчилар томонидан патент ва лицензиялардан биргаликда фойдаланилиши учун кортель келишуви асосидаги фирмалар, корхоналар бирлашмасидир.

Синдикат – келишилган шартномага кўра, фирмаларнинг реклама билан таъминлаш ва маркетинг вазифаларини марказлаштириш мақсадида тузилган бирлашма шаклидир. Синдикат иштирокчилари ихтиёрий равишда бошқарув аппаратига тижорат вазифаларини топширади, лекин бунда ишлаб чиқариш ва юритиш мақсадларини сақлаб қолади.

Концерн – тадбиркорликнинг бирлашмалари орасида кенг тарқалган ташкилий шаклларидан бири бўлиб, унда йирик компания атрофида бирлашган корхоналарнинг уюшмасидир. Бунда йирик компания бошқаларнинг акциясига эгалик қилади. Концерн корхона ва фирмаларнинг механик йиғиндиси эмас, балки уларнинг илмий, ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, ташкилий, иқтисодий ва молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда танланган тараққиёт стратегиясига эга бўлади.

Трест – бу кўринишдаши ташкилотлар доирасида интеграция мажмуига кирган корхоналар ишлаб чиқариш, тижорат, юридик мустаққиллигини тўла йўқотади. Трест тузилмасига кирган корхоналар ўз акцияларининг назорат пакетига эга мулкдорга юридик ҳуқуқларини топширадилар, яъни бошқа бирлашмалардан фарқли равишда трестда ягона мулкдор юзага келади.

Ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликнинг тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган, айирбошлайдиган, сотиш ишларини бажарадиган, хизмат кўрсатадиган мустақил хўжалик юритувчи

субъект корхона ҳисобланади. Ҳар бир саноат корхонаси ишлаб чиқариш бўлими, бошқариш идоралари, корхона ишчиларига хизмат кўрсатиш бўлинмасидан ташкил топади. Саноат корхоналари умумий ва ишлаб чиқариш тузилмаси (структураси)дан ташкил топади. Корхонанинг умумий тузилмаси (структураси)га ишлаб чиқариш бўғинлари, корхонани бошқариш, ишчиларга хизмат кўрсатиш бўйича бўлимлар, уларнинг Ишлаб чиқариш тузилмаси (структураси)га цехлар, майдонлар, участкалар кириб, бу ерда асосий, ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш жараёнлари бажарилади миқдори, катталиги ва сони ҳамда эгаллаган майдони киради. Ишлаб чиқариш тузилмаси (структураси) умумий тузилма (структура)нинг бир қисми ҳисобланади. Унда цехлар, участкалар ҳамда хизмат кўрсатувчи хўжалик шаклидаги ишлаб чиқариш бўлинмалари таркиби, уларнинг алоқаси ифодаланади

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг уч хил тури мавжуд[16]: технологик, предметли ва аралаш. Технологик тузилма (структура)ларга эга корхоналарда участкалар, цехлар технологик жиҳатдан турдошлик тамойилига асосланади. Предметли тузилма (структура)да ҳар бир цех алоҳида маҳсулотни ёки унинг бир қисмини тайёрлайди. Аралаш тузилма (структура)да техник тамойилга кўра, тайёрлов цехлари – маҳсулотни қайта ишловчи ва тайёр ҳолда чиқарувчи цехлар бўлиши тақозо этилади.

Саноат корхоналарининг тузилмаси(структураси) қуйидаги омиллар таъсири асосида шаклланади:

I. Техник ва технологик хусусиятлар.

II. Ишлаб чиқариш миқёси.

III. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг шакли.

IV. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳамда кўрсатиладиган хизматларнинг мураккаблиги ва турли-туманлиги.

---

[16] Артиков А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2016. 67-72 бетлар.

V. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва роботлаштириш даражаси.

VI. Мулкчилик шакли.

VII. Рақобат курашини олиб бориш шакли, усуллари ва ҳ.к.

1.3.КИЧИК КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Кичик корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилишда қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим[17]:

- ✓ ихтисослаштириш;
- ✓ мутаносиблик;
- ✓ паралеллик;
- ✓ бир текис, кетма-кет йўналиш;
- ✓ узлуксизлик;
- ✓ бир меъёрлик;
- ✓ автоматлашганлик;
- ✓ синхронлаш.

Бу тамойилларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат.

Ихтисослаштириш тамойили. Ихтисослаштириш – бу, ижтимоий меҳнат тақсимотининг шакли бўлиб, саноат ишлаб чиқаришида режали равишда ривожланади ва саноат тармоқлари, корхоналари цехлари, участкалар, линиялар ва айрим иш жойларининг ажралишини шарт қилиб қўяди.

Мутаносиблик тамойили. Ишлаб чиқариш жараёнларининг мутаносиблиги шуни билдирадики, бунда ҳамма ишлаб чиқариш бўлимлари (асосий ва ёрдамчи цехлар, бу цехлар ичидаги участкалар ва линиялар, ускуналар груҳи ва иш жойи)нинг ишлаш қобилияти (вақт бирлиги ичида меҳнат унумдорлигининг нисбати) бир-бирига ўзаро аниқ мос келади. Агар бу тамойилларга амал қилинмаса, диспропорциялар ва «тор жойлар» юзага келади, бу эса, ўз навбатида, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқарилишининг кўпайишига тўсқинлик қилади.

---

[17] Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н., Мухиддинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: “Ўқитувчи”, 2015. 91-94 бетлар.

Корхоналарини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш асосида ҳам мутаносиблик тамойили ётади. Комплекс равишда механизация бўлмаса, диспропорция келиб чиқиши, сермеҳнат ишлаб чиқариш жараёнлари кўпайиши мумкин.

Паралеллик тамойили. Бу тамойилнинг моҳияти ишлаб чиқариш жараёнининг бир неча айрим қисмларини бир пайтда бажаришдан иборат, яъни маҳсулот тайёрлаш бўйича амалга ошириладиган иш кенг кўламда ташкил қилинади.

Бир текис, кетма-кет йўналиш тамойилини қўллаш ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилаётганда меҳнат предметлари ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳамма босқичларидан ва барча операцияларидан энг қисқа йўл билан ўтишини аниқлашга ёрдам беради (хом ашё ва материалларнинг келиб тушишидан тортиб то тайёр маҳсулот бўлиб чиққунгача ва бу маҳсулотларни истеъмолчига етказиб бергунга қадар).

Бир текис, кетма-кет йўналишга эришиш учун цехлар майдонида аппаратларни, ускуналарни оқилона жойлаштириш лозим, бундан ташқари асосий ва ёрдамчи цехларни завод ҳудудида тўғри жойлаштириш асосида хом ашё ва материалларнинг қарши ҳаракатига ва қайтишига йўл қўймаслик керак.

Узлуксизлик тамойили деганда ишлаб чиқариш жарёнида режасиз тўхташ, танаффус бўлмаслиги, яъни узлуксиз ишлаш тушунилади.

Бир меъёрлилик тамойили ўзаро боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш бўлимлари, бир хил оралиқдаги иш вақтида берилган дастурга асосан бир хил ҳажмдаги ишнинг бажарилиши билан характерланади.

Автоматлашганлик тамойили. Бу тамойил ишлаб чиқариш жараёнларининг операцияларини максимал автоматик равишда, яъни ишчиларнинг бевосита қатнашмаслиги ёки уларнинг назорати остида бажарилишини талаб этади. Ишлаб чиқариш жараёнининг айрим операцияларини юқори даражада автоматлаштириш ишлаб чиқаришни

комплекс автоматлаштиришнинг дастлабки асосий шарти бўлиб, автоматик поток линияларини яратишга қадар амалга оширилиши лозим.

Автоматлашганлик тамойили фақат технологик жараёнларда қўлланилмай, балки уларни техникавий тайёрлаш, назорат қилиш, тартибга солиш, хизмат кўрсатиш каби ишларни бажаришда ҳам кенг қўлланилади.

Синхронлаш тамойили. Ишлаб чиқариш жараёнини синхронлаш фақат узлуксиз ишлаб чиқариш ҳамда кўпроқ автоматик ишлаб чиқаришнинг характерли хусусиятидар.

Ишлаб чиқариш жараёнини синхронлаш деганда қуйидагилар тушунилади:

- операцияларни бажаришга кетган вақт сарфи (оператив вақт)нинг тенг бўлиши;
- меҳнат буюмларини операцияларараро ва линияларараро транспортировка қилиш учун кетган вақт сарфининг тенг бўлиши;
- иш жойига хизмат кўрсатиш ва ишчиларнинг дам олиши бўйича оператив ишлардаги танаффусларнинг тенглиги;
- меҳнат буюмларининг потокдаги ҳаракатини ташкил этиш пайтида операциялар тугаши билан уларни транспортировка қилишнинг бошланадиган вақтнинг бир-бирига мос келиши.

Ушбу тўрт шартдан, ҳатто, биттасига риоя қилинмаса ҳам ишлаб чиқариш жараёни озми-кўпми синхронлашмайди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг илғор шаклларига ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинациялаш киради.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш – бу ижтимоий меҳнат тақсимотининг энг муҳим шаклларидан бири ҳисобланиб, у илмий-техник тараққиёт ва ишлаб чиқаришнинг бошқарув тизими билан узвий боғлиқдир. Корхоналарараро ва улар ўртасидаги меҳнат тақсимотининг асосини меҳнат қуролларини ихтисослаштириш ташкил этади.

Корхона ичидаги ихтисослаштириш цехларни ва участкаларни айрим маҳсулот ишлаб чиқаришга ёки технологик жараённинг маълум босқичини бажаришга йўналтиради.

Ихтисослаштириш маҳсулотни стандартлаш, меъёрлаштириш ва деталларни унификациялашга асосланади, шунингдек, технологик жараёнлар механизациялаштирилади ва ихтисослашган ускуналардан кенг кўламда фойдаланилади.

Машинасозлик заводлари ва уларнинг бўлимларини ихтисослаштириш даражаси асосан икки омилга: ишлаб чиқариш миқёси ва маҳсулотнинг меҳнат талаб қилишига боғлиқдир.

Саноат корхоналарида ихтисослаштиришнинг учта:

буюмлар; технологик; деталлар бўйича ихтисослаштириш шакллари мавжуд.

Цехлар, участкалар ва иш жойини технологик ихтисослаштириш натижасида уларнинг ҳар бири бир хил технологик операцияни ва бир хил ишни бажаради. Масалан, машинасозликда темирчилик, заготовкалар қўядиган, механика, иссиқлик, пайвандлаш ва бошқа цех ҳамда участкалар, металлургия саноатида домна, мартен ва прокат цехлари ташкил қилинади; тўқимачилик фабрикаларида — йигирув, тўқув ва бошқаларнинг ташкил қилиниши технологик ихтисослаштиришга мисол бўла олади.

Ишлаб чиқариш кўлами ортиб борган сари корхоналарнинг бўлимлари (цех, участкалар)да технологик ихтисослаштиришнинг чуқурлашуви вужудга келади: маҳсулотларнинг ўлчамига қараб (масалан, механика цехи йирик, ўрта ва майда); материаллар турига қараб ишлов бериши бўйича (масалан, пўлат, чўян ва чўзиладиган чўян); қуюв цехлари ва ҳ. к. жараёнларнинг операциялари бўйича (токарлик, фрезерлик, силлиқлаш, пардозлаш).

Технологик ихтисослаштириш шароитида унумдорлиги юқори бўлган техникадан ва технологиядан, шунингдек, илғор ишлаб чиқариш усулларидан яхшироқ фойдаланишга эришилади.

Цехлар ва участкаларни буюмлар бўйича ихтисослаштиришда буларнинг ҳар бири технологик жиҳатдан ҳар хил бўлган операцияларни бир хилдаги деталлар ёки узеллар бўйича бажаради. Корхоналарнинг бўлимларини буюмлар бўйича ихтисослаштириш шакли кўп жиҳатдан тор ихтисослашган заводлар учун характерлидир (оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқаришларда). Бундай цехлар агрегатларнинг айрим деталлари ва қисмларини ишлаб чиқаришга мослашади, номенклатураси эса чегаралланган бўлади (масалан, автомобиль заводларида — машинанинг орқа кўпригини ёки моторини ишлайдиган цехлар, вагонсозлик заводида рессор, станоксозликда —станина, корпус деталлари, шестеренкалар, втулкалар ва ричаглар цехи). Цехларнинг буюмлар бўйича қурилиши қоида бўйича берк жараёнларга олиб келади, бундай цехларда ҳар хил босқичга тегишли ёки ишлаб бериш турига қараб жараёнлар дам-бадам бирга олиб борилади. Цехларнинг технологик ихтисослашган шаклидан аста-секин бирмунча илғор бўлган буюмлар бўйича ихтисослашишга ўтиши машинасозлик корхоналарининг ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштиришнинг ҳозирги шароитдаги бирдан-бир тенденциясидир.

Буюмлар бўйича ихтисослаштириш қуйидагиларни назарда тутади: технологияни пухта ишлаб чиқиш, юқори унумли ускуналарни қўллаш, материаллардан фойдаланиш коэффициентининг юқори бўлиши, меҳнат унумдорлигини ошириш, корхоналарнинг цех ва бўлимларидаги бошлиқлар ва конкрет ижрочилар жавобгарлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда илғор усуллардан кенг фойдаланиш.

Буюмлар цехини ташкил қилиш икки шарт-шароитга асосланади:

- маҳсулотлар кўлами талайгина бўлса, оммавий ва сериялаб ишлаб чиқаришни ўстириш зарур;
- машинасозликда янги технологияни жорий қилиш, металлга ишлов беришда электр усулларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш.

Ишлаб чиқариш жараёнларининг буюмлар бўйича тузилишига завод-автомат мисол бўла олади. Масалан, алюминдан автомобиль поршенларини ишлаб чиқарадиган завод-автомат битта агрегатда турли хил жараёнларни бирлаштиради. Буларга суюқ эритмани тайёрлаш, қуйиш, поршенларга иссиқлик ёрдамида ишлов бериш, механик ишлов беришнинг қаттиқлигини, поршенларнинг катта-кичиклиги бўйича саралашни ва жойлашни текшириш.

Деталлар бўиича ихтисослаштириш ишлаб чиқариш участкаларини қисман ихтисослашган ускуналар билан қуроллантириш натижасида хом ашёларни тежаб-тергаб ишлатишни ва юқори меҳнат унумдорлигига эришишни кўзда тутади.

Заводларни деталлар бўйича ихтисослаштиришда фақат бир хил турдаги машиналарнинг бир хил номдаги ёки бир хилдаги деталлари тайёрланади. Деталлар бўйича ихтисослаштириш стандартлашнинг кенг кўламда ривожланишини, деталлар ва қисмларнинг конструкциясини меъёрлаштириш ўзаро боқлиқлигини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир хил сифатли бўлишини кўзда тутади. Ихтисослаштиришнинг бу шакли кўпроқ машинасозлик ва енгил саноатда тарқалган, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари (металлургия, мебель, тикув, пойабзал саноатлари)да ҳам ривожланмоқда.

Деталлар бўйича ихтисослаштириш машинасозлик заводларида майда серияли ва доналаб ишлаб чиқаришда кенг тарқалган. Бундай ихтисослаштиришдан мақсад корхоналарни унификациялаш, деталлар гуруҳини техника жиҳатидан асослаш ва уларни тайёрлашни технологик, яъни гуруҳ йўли билан амалга оширишдан иборатдир. Кейинги вақтларда ихтисослаштиришнинг функционал шакли янада кўпроқ кўзга ташланадиган бўлди. У корхоналарда ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган ишларни бажаришга ихтисослашади, масалан, таъмир ишлари, юкларни ташиб олиб бориш ва ҳ. к.

Корхоналарни, цехларни ихтисослаштириш ишлаб чиқаришни кооперативлаштиришни ва бирон-бир маҳсулот тайёрлаш учун биргаликда иш олиб боришни тақозо қилади. Завод ичидаги кооперативлаштириш деганда цехлар ва иш жойларининг биргалашиб маҳсулот ишлаб чиқаришини ташкил этиш тушунилади.

Цех ва участкалар ишлаб чиқаришининг ўзаро боғлиқлиги техникавий тайёргарлик кўриш жараёнида аниқланади. Конструкторлик ва технологик тайёргарлик даврида завод ичидаги кооперативлаштириш масаласи ва ишланадиган материаллар, яримфабрикатларнинг маршрути аниқланади. Шундай қилиб, завод ичидаги кооперативлаштириш белгиланган муҳлатда меҳнатни, материалларни кам сарфлаш натижасида режада кўрсатилган маҳсулотни комплекс ва сифатли тайёрлашни таъминлайди.

Ихтисослаштиришнинг мавжуд турларига мувофиқ, кооперативлаштириш ҳам қуйидаги уч турга ажратилади[18]:

- буюмлар бўйича кооперативлаштириш — бунда сўнгги маҳсулотни комплектлаш учун айрим цехлар йиғув цехига тайёр агрегатлар етказиб беради;
- деталлар бўйича кооперативлаштириш — бунда цех айрим деталларни ёки узелларни етказиб беради;
- технологик кооперативлаштиришда бир цех бошқаси учун ярим тайёр фабрикатлар етказиб беради ёки алоҳида операцияларни бажаради.

Ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш билан бир қаторда комбинациялаш ҳам корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири ҳисобланади.

Комбинациялашни қуйидагича таърифлаш мумкин: комбинациялаш саноатнинг турли тармоқларининг бир корхонага қўшилувидирким, бунда ушбу тармоқлар хом ашёларни кетма-кет ишлаб берувчи тармоқлар (масалан,

---

[18] Абдукаримов И.Т ва бошқ. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: “Ўқитувчи”, 2014. 48-54 бетлар.

рудадан чўян қуйиш ва чўянни пўлатга айлантириш, сўнгра пўлатдан турли тайёр буюмлар ишлаб чиқариш бўлиши мумкин) ёки бири иккинчисига нисбатан ёрдамчи рол ўйновчи тармоқлар бўладилар (масалан, чиқиндиларни ёки бир нарсани ишлаганда чиққан нарсаларни ишга солиш, мол жойлаш учун керакли нарсалар ишлаб чиқариш ва ҳоказолар).

Машинасозлик ишлаб чиқариш технологиясининг ўзига хос хусусияти комбинациялашнинг кенг тарқалмаслигига сабаб бўлди. Комбинациялаш, айниқса, кимёвий ва физикавий-кимёвий жараёнлар билан хом ашёларни қайта ишлаш (кимё, металлургия, газ саноати ва ҳ. к.) саноатларида ривожланган ва улар учун характерлидир. Комбинациялаш — бу турли саноат тармоқларида ишлаб чиқариладиган ҳар хил маҳсулотларни бир корхонада бирлаштириш, демакдир.

Ишлаб чиқаришда комбинациялаш[19] уч асосий шакли билан фарқ қилинади:

- хом ашёни кетма-кет ишлаш;
- ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш;
- хом ашёни комплекс равишда ишлаш.

Ишлаб чиқариш типи деганда техникавий ташкил қилиш ва иқтисодий хусусияти, ихтисослаштириш ва тайёрланган маҳсулот номенклатураси, миқёси ва бир номда чиқариладиган маҳсулот даражасининг доимийлиги, барқарорлиги ва бошқалар йиғиндиси тушунилади.

Ишлаб чиқариш кўлами ва ихтисослаштириш даражаси турлича бўлганда, ускуналардан фойдаланиш шарти ҳар хил бўлади. Бир хилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқёси ускуналарни танлашга ва технологик асбоб-ускуналарнинг кимёвий хоссаларига таъсир этади. Айрим буюмларни тайёрлаш учун белгиланган юқори унумли ускуналар маҳсулотлари турлича бўлган ва тез-

[19] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида. 2003 йил 11 октябрь, 439-сон.

тез ўзгариб турадиган заводлар учун тўғри келмайди. Улар ишлаб чиқариш структурасини белгилайди ҳамда технологик жараён хусусиятини ва уларнинг қуроланганлиги, ишлаб чиқариш жараёнларини ва иш жойидаги меҳнатни ташкил қилиш шаклларини ҳамда бошқаришнинг аниқ усулларини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий даражаси кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш турларига боғлиқдир. Саноат корхоналарининг иш тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий турлари доналаб, сериялаб ва оммавий ишлаб чиқаришдан иборат.

Доналаб маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар истеъмоли чегаралганган буюмларни тайёрлаш учун ташкил этилади. Доналаб ишлаб чиқаришнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- тайёрланган маҳсулотнинг кўп хиллилиги, улардан асосий қисмининг такрорланмаслиги, шунингдек, унча кўп бўлмаган миқдорда ишлаб чиқарилиши;
- иш жойларини технологик ихтисослаштириш, маълум деталларни ва операцияларни доимий равишда иш жойларига бириктириб қўйишнинг мумкин эмаслиги;
- универсал ускуналарнинг ва универсал йиғув асбоб-ускуналарнинг қўлланилиши;
- қўл билан йиғиладиган ва якунловчи операциялар салмоғининг катталиги;
- универсал ва юқори малакали ишчилардан кўп фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш циклининг нисбатан узунлиги;
- ускуналарни тез-тез созлаш натижасида улардан фойдаланиш коэфициентининг камлиги.

Маҳсулотни доналаб ишлаб чиқарадиган корхоналар самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги даражасининг пастлиги, асосий ва ёрдамчи материалларнинг кўп сарф бўлиши, маҳсулотнинг таннархи юқори бўлиши билан бошқа корхоналардан фарқ қилади.

Серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Маҳсулотни сериялаб ишлаб чиқарувчи корхоналарда нисбатан кўпроқ қайтариладиган маҳсулот тайёрланади, лекин доналаб ишлаб чиқаришга қараганда маҳсулот номенклатураси бирмунча чегаралланган бўлади. Серияли ишлаб чиқариш жараёнининг тузилиши ҳар бир янги серияда ўзгариши мумкин.

Серия деганда ишлаб чиқаришга бир вақтнинг ўзида ва кетма-кет тушириладиган конструктив бир хилдаги буюмларнинг бир нечтаси тушунилади.

Серияли ишлаб чиқаришда ҳар қайси ихтисослаштирилган участкада, биринчи навбатда, механика цехларида бир хилдаги гуруҳ деталларни ишлаб бериш таъминланади. Ишлаб бериш усулларини ихтисослаш технологик жараёнларни тезлаштиришга шароит яратади. Серияли ишлаб чиқаришнинг хусусияти цех ва бутун корхонани ташкил қилиш шаклига ҳамда бошқариш тизимига ва режалаштиришга таъсир қилади. Айрим корхоналарда ишлаб чиқариш участкалари асосий технологик белгиларга асосан ташкил қилинса, серияли ишлаб чиқаришда эса, улар буюмнинг технологик белгилари бўйича ташкил этилади.

Маҳсулот номенклатурасининг хилма-хиллиги ва ишлаб чиқаришнинг миқёсига қараб (яъни корхоналарни ихтисослаштириш даражасига қараб) серияли ишлаб чиқариш қуйидаги серияларга бўлинади:

а) майда серияли ишлаб чиқариш ўз хусусияти билан доналаб ишлаб чиқаришга яқин туради ва бунда маҳсулот майда сериялаб, яъни бир неча доналаб, ўнлаб ёки юзлаб дона ишлаб чиқарилади;

б) ўртача серияли ишлаб чиқаришда маҳсулот ишлаб чиқариш сериялаб (ўнлаб ва юзлаб номда) ишлаб чиқариладиган машиналар қувватининг катта-кичиклигига боғлиқ;

в) йирик серияли ишлаб чиқариш эса нисбатан оз номенклатурада кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш билан характерланади.

Серияли ишлаб чиқаришни ташкил қилиш қуйидаги асосий хусусиятлар билан характерланади:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатурасининг кўплиги ва доимийлиги;
- ихтисослаштирилган иш жойига доимий равишда боғланган операцияларни бажариш;
- маҳсулотни сериялаб ишлаб чиқариш ва деталларни партиялаб, олдиндан белгиланган тартибда навбатма-навбат ишлаб чиқариш;
- ихтисослашган ва махсус ускуналар билан бирга универсал асбоб-ускуналар қўллаш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришда кўп меҳнат талаб қиладиган ва қўл ёрдами билан бажариладиган ишнинг улушини камайтириш;
- ишлаб чиқариш жараёнининг нисбатан қисқариши (айрим ишлаб чиқаришга нисбатан).

Ишлаб чиқаришни оператив бошқаришни марказлаштириш. Серияли ишлаб чиқаришнинг у ёки бу турдаги кўринишини аниқлайдиган объектив кўрсаткич ускуналарнинг серияли юкланиш коэффициенти ($К_{сер}$) ҳисобланади.

$$Ксер = \frac{Ос}{Ус},$$

Бу ерда: $О_с$ —бир цехда ишланадиган деталлар операцияларининг сони;

$У_с$ — цехдаги ўрнатилган ускуналар сони.

Амалда қуйидаги сериялаш коэффициентлари қўлланилади:

- майда сериялаб ишлаб чиқаришда 20-40;
- ўртача сериялаб ишлаб чиқаришда 5-20;
- йирик сериялаб ишлаб чиқаришда 3-5.

Ишлаб чиқаришнинг оммавий тури. Оммавий ишлаб чиқариш бир хилдаги маҳсулотни узлуксиз равишда узоқ давр давомида кўплаб ва

такроран ишлаб чиқариш билан характерланади. Участкада, линияда, иш жойида ишлаб чиқариш жараёни қатъий равишда қайтарилади. Бундай корхоналар дам-бадам бир ёки икки хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашади.

Ишлаб чиқаришнинг оммавий тури қуйидаги асосий хусусиятлари билан характерланади:

– маҳсулотнинг унча кўп бўлмаган номенклатурасини доимий равишда кўплаб ишлаб чиқариш;

– доимий равишда бириктирилган битта операцияни бажариш учун иш жойини ихтисослаштириш;

– махсус ускуналар ва юқори унумли анжомларнинг улушини маълум даражада кўпайтириш;

– механизациялашган ва автоматлашган жараёнларнинг улушини кўпайтириш ва қўл меҳнати билан бажариладиган ишни кескин камайтириш;

– ишлаб чиқариш жараёнини қисқартириш (сериялаб ишлаб чиқаришга нисбатан);

– ишлаб чиқаришни бошқариш функциясини марказлаштириш ва оператив режалаштириш.

Корхона ишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ўзига хос ҳар хил типдаги ишлаб чиқариш билан аниқланади ва янада илғор технологияни жорий қилиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан белгиланади[20]. Масалан, доналаб ишлаб чиқаришда корхоналарнинг махсус қайта қуролланишига кетадиган харажатларнинг таннархдаги улуши 1,5-2,5 фоизни, серияли турида 5-6,0 фоизни ва оммавийда эса 8-12 фоизни ташкил этади.

[20] Кравченко Л.И. Анализ хозяйственной деятельности. Мн.: Выш. школа, 2015. 88-98 бетлар

Корхоналарда қўлланиладиган ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замон усуллари қуйидаги кўринишларда бўлади:

- ✓ узлуксиз (поток);
- ✓ партиялаб;
- ✓ доналаб ишлаб чиқариш.

Буларнинг бир-биридан фарқи, иш жойини ихтисослаштириш даражаси, меҳнат буюмларининг иш жойидаги ҳаракат усули, цех ва участкаларнинг қурилиш усуллари, ритмлилик ва узлуксизлик даражаси билан белгиланади.

II БОБ. КИЧИК КОРХОНЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ

2.1. КИЧИК КОРХОНЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ТУШУНЧАСИ, ТАРКИБИ ВА ҲАРАЖАТЛАРНИНГ ЎЗГАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Миллий иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш корхоналари ўз фаолияти натижаларидан кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилади. Ҳар қандай корхона нафақат ўзининг товарини анча юқори баҳоларда сотишга, балки маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишга қилинадиган сарф-харажатларни камайтиришга ҳам интилади[21].

Товарларни сотиш баҳолари асосан корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи шароитлар билан белгиланса, ишлаб чиқариш сарф-харажатлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва тайёр товарларни сотиш жараёнларини ташкил қилиш самарадорлиги даражасига боғлиқ[22]. Лекин ҳар қандай товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун маълум сарф харажатлар талаб этилади.

Ишлаб чиқариш сарф-харажатлари деганда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлар тушунилади. Ишлаб чиқариш сарф-ҳаражатлари таркибига хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи ва энергия учун қилинган харажатлар, асосий капитал амортизацияси, иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар, фоиз тўловлари ва бошқа харажатлар киради. Ишлаб чиқаришга қилинган барча сарф-харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот таннархини ташкил қилади.

---

[21] Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик,-Т.:«Иқтисод-молия». I-қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри, 2016.
[22] Мухаммедов М.М и др. Экономика торговли. Самарканд. 2016.

Ишлаб чиқариш харажатларини иккига бўлиб ўрганиш мумкин: бевосита ишлаб чиқариш харажатлари ва муомала харажатлари (2.1.1- расм). Ишлаб чиқариш харажатлари деганда маҳсулотни бевосита ишлаб чиқариш учун қилинадиган барча сарфлар (иш ҳақи, хом ашё ва материал сарфлари, амортизация ва ҳ. к.) тушунилади. Товар бирлигининг қийматида ишлаб чиқариш харажатлари фақат унинг бир қисмини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш харажатлари товар қийматидан фойда миқдорига кам. Муомала харажатлари тушунчаси товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, шу товарларни ишлаб чиқарувчидан олиб, истеъмолчига етказилгунча кетадиган сафрларга айтилади. Улар икки гуруҳга бўлинади: қўшимча муомала харажатлари ва соф муомала харажатлари. Товарларни ўраш, қадоқлаш, саралаш, транспортга ортиш, ташиш ва сақлаш харажатлари қўшимча муомала харажатлари ҳисобланади. Муомала харажатларининг бу турлари ишлаб чиқариш харажатларига яқин туриб, товар қийматига киради ва унинг қийматини оширади. Харажатлар товарлар сотилгандан кейин олинган пул тушуми суммасидан қопланади.

ХАРАЖАТЛАР ТУРЛАРИ

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари				Муомала харажатлари	
Иш ҳақи	Хом ашё харажат-лари	Ёнилғи ва мойлаш материалларига харажатлар	Амортизация ва ҳ.к.	Қўшимча муомала харажатлари	Соф муомала харажатлари

2.1.1-расм. Ишлаб чиқариш харажатларининг анъанавий туркумланиши

Соф муомала харажатлари (сотувчи маоши ва бошқалар), маркетинг (истеъмолчилар талабини ўрганиш), реклама ва шу каби харажатлардан иборат бўлади. Соф муомала харажатлари товар қийматини оширмайди ва ишлаб

чиқариш жараёнида яратилган товарни сотгандан кейин олинган фойда ҳисобидан қопланади.

Ҳозирги замон сарф-харажатлар ғояси бўйича корхона ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар ўз ресурслари ёки жалб қилинган ресурслар бўлиши мумкин. Шунга кўра харажатлар ички ёки ташқи харажатларга бўлинади[23] (2.1.2-расм).

Ташқи харажатлар корхона ўзи учун зарур ресурс ва хизматларга тўловларни амалга ошириши натижасида вужудга келадиган харажатлардир. Бундай харажатларга ёлланма ишчилар иш ҳақи, хом-ашё ва материаллар учун тўловлар, кредит учун фоиз тўловлари, ижарага олинган ер учун рента, транспорт хизмати ва бошқа ҳар хил хизматлар учун тўловлар киради. Ташқи харажатлар тўлов ҳужжатлари билан расмийлаштирилади, шу сабабли бухгалтерия харажатлари деб ҳам аталади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАРАЖАТЛАРИ

Ташқи харажатлар	Ички харажатлар
Ишчи кучига сарфлар	Бино-иншоот амортизацияси
Хом-ашё харажатлари	Машина-ускуна амортизацияси
Ёнилғи-энергияга харажатлар	Ижара ҳақи
Транспорт-алоқа хизматларига харажатлар	Қарз пул маблағлари ва унинг учун фоизлар
Банк тижорат хизматлари учун сарф харажатлар	Меъёрдаги фойда

2.1.2- расм. Ишлаб чиқариш харажатларининг бозор иқтисодиётига доир адабиётларда туркумланиши.

[23] Н. И. Базулев, С. П. Гурко, М. Н. Базулева, А. К. Корольчук, М. Г.Муталимов, Л. Н. Новикова. Микроэкономика. Издательство: БГЭУ 2015 ISBN: 985-426-183-2.

Корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслардан фойдаланиши билан боғлиқ харажатлар ички харажатлар дейилади. Бундай харажатлар пул тўловлари шаклида чиқмайди. Шу сабабли ички харажатлар даражасини баҳолаш ўз ресурслари қийматини шунга ўхшаш ресурсларнинг бозор баҳоларига таққослаш орқали амалга оширилади.

Мазкур корхона доирасида тадбиркорлик фаолиятини ушлаб туриш учун зарур бўлган тўлов-нормал (меъёридаги) фойда ҳам, рента ва иш ҳақи билан бирга харажатларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Сарф харажатларни ички ва ташқи харажатларга ажратиш, корхона иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш йўлларини қиёсий таҳлил қилиш имкониятини беради.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига боғлиқлик даражасига қараб доимий ва ўзгарувчи харажатлар ҳам фарқланади, (2.1.3-расм).

УМУМИЙ ХАРАЖАТЛАР

Доимий харажатлар	Ўзгарувчи харажатлар
Корхона тўлов мажбуриятлари	Хом-ашё
Солиқлар	Материал
Амортизация ажратмалари	Ёнилғи
Ижара ҳақи	Транспорт хизмати
Қўриқлаш хизмати харажатлари	Ишчилар иш ҳақи ва шу кабилар учун харажатлар
Бошқарув ходимлар маоши ва ҳ.к.	

2.1.3-расм. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига қараб харажатларни туркумлаш.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига (қисқариши ёки ортиши) таъсир этмайдиган харажатлар доимий харажатлар дейилади.

Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмайди, унинг ўсишига ҳам бевосита таъсир этмайди ва ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай,

ҳатто нолинчи ҳажмида ҳам мавжуд бўлади. Бунга корхонанинг тўлов мажбуриятлари (заёмлар бўйича фоиз ва бошқа), солиқлар, амортизация ажратмалари, ижара ҳақи, қўриқлаш хизматига тўлов, ускуналарга хизмат кўрсатиш сарфлари, бошқарув ходимлари маоши ва шу кабилар киради.

Ўзгарувчи харажатлар деб ишлаб чиқариладиган товар миқдорининг ошишига ёки камайишига бевосита таъсир қиладиган ҳаражатларга айтилади. Унга хом ашё, материал, ёнилғи-транспорт хизмати, ишчилар иш ҳақи ва шу кабиларга қилинадиган сарфлар киради.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасида доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси умумий ёки ялпи харажатларни ташкил қилади.

Маҳсулот бирлигини ишлаб-чиқаришга қилинадиган сарф-харажат-ларни ҳисоблаш учун ўртача умумий, ўртача доимий ва ўртача ўзгарувчан харажатлар тушунчаларидан фойдаланилади. Ўртача умумий харажатлар ялпи (умумий) харажатларнинг ишлаб чиқарилган товар миқдорига нисбатига тенг. Ўртача доимий харажатлар доимий харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади. Ўртача ўзгарувчи харажатлар ўзгарувчи харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

Энг юқори даражада фойда олишга эришиш учун товар ишлаб чиқаришнинг зарур миқдорини аниқлаш зарур[24]. Бунда иқтисодий таҳлил воситаси бўлиб қўшилган харажат тушунчаси хизмат қилади. Аввало қўшилган харажат деб, кейинги қўшилган маҳсулотнинг ҳар битта бирлигини ишлаб чиқариш билан боғлиқ қўшимча харажатларга айтилади. Қўшимча харажатларни ҳар бир навбатдаги чиқарилган қўшимча маҳсулот бирлиги учун аниқлаш мумкин.

Корхона фойдаланадиган кўплаб ресурслар миқдори, яъни жонли меҳнат, хом-ашё, ёнилғи ва энергия сарфлари товар ҳажмининг ўзгаришига

[24] Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. “Иқтисод молия”, 2017.

тез ва осон таъсир қилади. Бошқа ресурслар сарфи таъсирида товар ҳажми ўзгариши учун узоқ вақт талаб қилинади. Масалан, оғир саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш қувватлари анча узоқ вақт оралиғида маҳсулот миқдори ўзгаришига таъсир қилиши мумкин. Демак, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишга вақт омили, яъни харажат қилингандан пировард натижа олингунча ўтган давр сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли вақт омилидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатларини қисқа ва узоқ муддатли даврда алоҳида таҳлил қилинади.

Корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш учун қисқа даврда фақат ўзининг ўзгарувчи харажатлари миқдорини ўзгартириши мумкин. Бу қисқа муддатли харажатлардир. Ишлаб чиқариш қувватлари эса (ишлаб чиқариш иншоотлари майдони, машина ва ускуналар миқдори) доимий бўлиб қолади, ҳамда бу давр фақат улардан фойдаланиш даражасини ўзгартириш учун етарли бўлиши мумкин.

Бошқача айтганда қисқа давр оралиғида корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ўзгаришсиз қолади, ишлаб чиқариш ҳажми жонли меҳнат, хом ашё ва бошқа ресурслар миқдорини кўпайтириш орқали ўзгариши мумкин. Бунда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш интенсивлигини ошириш мумкин.

Узоқ муддатли давр – бу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини ва бутун банд бўлган ресурслари миқдорини ўзгартириш учун етарли бўлган даврдир.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш қувватларининг ўзгаришини тақозо қиладиган давр давомийлиги айрим тармоқ ва корхона хусусиятидан келиб чиқиб фарқланиш мумкин. Масалан, енгил саноат тармоғида кийим-кечак ишлаб чиқарадиган кичкина фирма, бир нечта қўшимча тикув машинаси ўрнатиш билан ўзининг ишлаб чиқариш қувватларини қисқа вақтда (бир неча кунда) ошириш мумкин. Оғир саноат тармоқларида янги қувватларни ишга тушириш учун бир неча йил талаб қилинади.

Биз биламизки, қисқа муддатли вақт давомида корхона ўзининг доимий (қайд қилинган) қувватларига ўзгарувчи ресурслар миқдорини қўшиб бориш йўли билан ишлаб чиқариш хажмини ўзгартириши мумкин. Бу ерда шундай савол туғилади: корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларига (доимий ресурсларга) кўпроқ ва янада кўпроқ миқдорда ўзгарувчи ресурсларни қўшиб бориш йўли билан ишлаб чиқариш ҳажми қандай ўзгариб боради?

Бу саволга жавобни энг умумий ҳолда самаранинг камайиб бориши қонуни беради. Бу қонунга биноан,маълум даврдан бошлаб; корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларига (масалан капитал ёки ерга) ўзгарувчи ресурслар бирлигини (масалан, жонли мехнат) кетма-кет қўшиб бориш, хар бир кейинги ўзгарувчи ресурс бирлиги қийматига камайиб борувчи қўшимча маҳсулот беради. Бошқача айтганда, агар асосий капиталга хизмат кўрсатувчи ишчилар сони кўпайиб борса, ишлаб чиқаришга кўпроқ ишчини жалб қилиб бориш билан ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиши тобора секинлик билан рўй беради. Бу қонунни тасвирлаш учун қуйидаги мисолни келтирамиз. Фараз қилайлик, фермер фойдаланадиган ернинг доимий миқдориги (масалан 20 га) эга бўлиб, унда дон етиштиради. Агар фермер экинга қайта ишлов бермаса, бир гектар ердан 40 центнер ҳосил олади деб ҳисоблаймиз. Агар экинга қўшимча бир марта ишлов берилса, ҳосил 50 ц.га кўтарилиши мумкин. Иккинчи ишлов бериш ҳосилни 57 ц. га, учинчиси - 61 ц.га, тўртинчиси, айтайлик 63 ц.гача кўтариши мумкин. Экинга кейинги ишлов беришлар фақат жуда кам ёки нолга тенг бўлган қўшимча ҳосил беради.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, самаранинг камайиб бориш қонуни, ўзгарувчи ресурсларнинг барча бирлиги (масалан барча ишчилар) сифат жихатдан бир хил деган фаразга асосланади. Яъни ҳар бир қўшимча жалб қилинган ишчи бир хил ақлий лаёқатга, билимга, малакага, ҳаракат тезлиги ва шу кабиларга эга, деб ҳисобланади.

Демак, қўшимча маҳсулот, кейинги жалб қилинган ишчи кам малакага эга бўлгани учун эмас, балки капитал (фондлар) нинг мавжуд миқдорига нисбатан кўп миқдорда ишчиларни банд қилиш сабабли камайиб боради.

Қулай иқтисодий муҳит туфайли, ишлаб чиқариш қувватларининг тўхтовсиз кенгайиб бориши натижасида корхона ўртача умумий (ялпи) харажатларида қандай ўзгариш рўй беради? Дастлаб қандайдир вақт оралиғида ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайиши ўртача умумий харажатларнинг пасайиши билан бирга боради. Аммо охирги оқибатда кўпроқ ва янада кўпроқ қувватларни ишга тушириш ўртача умумий харажатларнинг ўсишига олиб келади. Бундай ҳолларни самаранинг камайиб бориш қонуни тушунтириб беролмайди, чунки унинг амал қилиш шарт-шароити ишлаб чиқаришда фойдаланадиган ресурслардан биттаси миқдорининг ўзгармаслиги ҳисобланади. Узоқ муддатли даврда барча ресурслар миқдори ўзгаради. Бундан ташқари биз таҳлилда барча ресурслар баҳоси доимий деб фараз қиламиз. Шу сабабли узоқ муддатли даврда ўртача харажатларнинг ўзгариши тамойилини ишлаб чиқариш миқёси ўсишининг ижобий ва салбий самараси ёрдамида тушунтириш мумкин.

Ишлаб чиқариш миқёсининг ижобий самараси[25] шунда намоён бўладики, корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бориши билан, бир қатор омиллар ишлаб чиқариш ўртача харажатларининг пасайишига таъсир кўрсата бошлайди. Бу омиллар қуйидагилар:

1) меҳнатнинг ихтисослашуви;

2) бошқарув ходимларининг ихтисослашуви;

3) капиталдан самарали фойдаланиш; 4) иккиламчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

Корхонада ишлаб чиқариш хажми ўсиб бориши билан қўлланиладиган меҳнатнинг ихтисослашув даражасини ошириш имконияти ортиб боради.

[25] Фридман А.М. Экономика предприятий. Учебник. – М.: «Дашков и Ко» 2016. 131-138 бетлар.

Ишлаб чиқариш жараёнида беш ёки олтита операцияни бажариш ўрнига, энди ҳар бир ишчи битта ягона вазифани олади. Битта вазифани бажариш имкониятини ошириш эса, ишчининг меҳнат унумдолигини ўстиради. Бу ишлаб-чиқариш харажатларининг камайишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш миқёсининг кенгайиб бориши чуқур ихтисослашув туфайли бошқариш бўйича мутахассислар меҳнатидан анча яхши фойдаланиш имкониятини беради. Бу охир оқибатда самарадорликнинг ошиши ва маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига олиб келади.

2.2. КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги кунда янги иқтисодий категориялар, тушунчалар ҳаётимизга шу даражада тезлик билан кириб келмоқдаки, уларни идрок қилиш, назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш, методологик муаммоларни ҳал қилишга кўпинча улгуриш қийин бўлмоқда[26]. Бундай янги иқтисодий тушунчалардан бири корхонанинг иқтисодий салоҳияти тушунчасидир.

Ўзбекистонда ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилган адабиётларда корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда, асосан унинг тасарруфидаги активларни ўрганиш билан чекланиб қолмоқда. Фикримизча, корхонанинг иқтисодий фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш назарий ва методологик жиҳатдан етарли эмас. Чунки корхонанинг иқтисодий фаолияти бевосита унда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ. Уларни содир бўлишида фақат корхонанинг активлари эмас, балки бошқа элементлари ҳам иштирок этади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиши учун моддий-техник таъминот, яъни ускуналар, жиҳозлар, бино, хом-ашё кабилар мавжуд. Аммо ҳар қандай илғор техника, юқори сифатли хом-ашё ўз-ўзидан иқтисодий жараённи содир қилиб, моддий неъмат ишлаб чиқармайди. Унга, албатта инсоннинг аралашуви, яъни жонли меҳнат иштироки зарур. Шундагина ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиб, янги маҳсулот яратилишига эришиш мумкин. Шу маҳсулотларнинг сотилиши эса корхонанинг барча харажатларини қоплаб фойда олишни таъминлайди. Эндиликда корхонада иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши ва унга маълум даражада фойда келтириши учун моддий ва меҳнат

[26] Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январь ойида бўлиб ўтган “Мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган мажлисида сўзлаган нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 16 январь.

ресурслари билан биргаликда номоддий фаоллар ҳам иштирок этади. Уларнинг жамланмасини олдингидек моддий ва меҳнат ресурслари деб аташ етарли бўлмайди, чунки уларнинг таркибига номоддий активлар кирмайди. Шу туфайли уларни корхонанинг иқтисодий салоҳияти деб аташни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки бунда моддий ресурслар билан биргаликда номоддий активлар ва меҳнат ресурслари тўлиқ ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий салоҳияти деганда, унда содир этилган иқтисодий жараённи тўлиқ таъминлайдиган барча моддий ва меҳнат ресурслари ҳамда номоддий фаоллар тушунилади.

Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири – таҳлил қилинаётган объект ёки категорияни тўғри ва батафсил баҳолаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдан ҳамда уни назарий ва методологик жиҳатдан асослашдан иборатдир.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш ҳамда илмий асосланган ҳолда таснифлаш керак. Иқтисодий таҳлилда кўрсаткичлар жуда кўп белгилари билан таснифланади. Корхона иқтисодий салоҳиятини белгиловчи кўрсакичларнинг фақат иқтисодий мазмуни бўйича таснифи иқтисодий хулоса чиқариш учун етарли бўлади. Уларни гуруҳларга бўлиш мумкин[27]:

- ✓ иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- ✓ иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- ✓ иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун маълумотлар асосан, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан олинади.

---

[27] Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н., Мухиддинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: “Ўқитувчи”, 2015. 135-145 бетлар.

Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини асослаш ва уларни таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Маҳсулот таннархи корхоналар хўжалик фаолиятини ифодаловчи сифат кўрсаткичи бўлиб, корхоналар фаолиятининг ҳамма томонларини, яъни ишлаб чиқариш ва молиявий томонларини акс эттиради ва уларнинг иш самарадорлигини кўрсатади.

Маҳсулот таннархи деганда, маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва корхона молиявий фаолияти бўйича барча харажатларининг пул орқали ифодаланиши тушунилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг аҳамияти турли хилдаги мулкчилик шаклларида иш юритаётган корхоналар учун беқиёсдир, зеро, ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида тўла мълумотларга эга бўлмасдан туриб ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва самарали бошқариш мумкин эмас.

Маҳсулот таннархини арзонлаштириш жонли меҳнат ҳамда буюмлашган меҳнатни тежашни акс эттиради, фойданинг ортишини таъминлайди, улгуржи ва чакана нархларни арзонлаштириш имконини яратади.

Маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг асосий йўллари[28] қуйидагилардан иборат:

- ✓ бошқарув усулларини;
- ✓ ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилишни;
- ✓ хўжалик ҳисобини такомиллаштиришни;
- ✓ ишлаб чиқариш асосий фондларидан фойдаланишни яхшилаш;
- ✓ моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишни;

[28] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 12-сон, 110-модда)

- ✓ ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш;
- ✓ хўжасизликка қарши курашиш кабилар.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ➢ корхона хўжалик фаолияти давомида юзага келадиган харажатлар таркибини аниқлаш;
- ➢ маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг режа ва ўтган йилги харажатларга нисбатан бўлган тежам ёки ўртача харажатга таъсир етувчи омилларни аниқлаш;
- ➢ маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида материал ва меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш устидан назорат олиб бориш;
- ➢ бир сўмлик товар маҳсулотига кетган харажатларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;
- ➢ маҳсулот таннархининг харажат унсурлари ва калькуляция моддалари бўйича таркибини таҳлил қилиш;
- ➢ таннархини арзонлаштириш резервларини аниқлаш кабилар.

“Харажатлар таркиби тўғрисидаги” низомга мувофиқ ҳамма харажатлар қуйидагича гуруҳланади:

- ▪ маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар;
- ▪ ишлаб чиқариш таннархига қўшилмайдиган, аммо асосий фаолиятдан олинадиган фойдада ҳисобга олинадиган давр харажатларига қўшиладиган харажатлар;
- ▪ корхона умумхўжалик фаолиятидан олинадиган фойда ёки зарарларини ҳисобга олинадиган, корхона молиявий фаолияти бўйича харажатлар;
- ▪ солиқ тўлагунга қадар фойда ёки зарар ҳисоб-китобида ҳисобга олинадиган тасодифий зарарлар.

Шундай қилиб, харажат моддалари қуйидагича гуруҳланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи:

а) тўғри ва эгри материал харажатлари;

б) тўғри ва эгри меҳнат харажатлари;

в) ишлаб чиқариш аҳамиятидаги устама харажатлар қўшилган ҳолда бошқа тўғри ва эгри харажатлар.

2. Давр харажатлари:

а) сотиш бўйича харажатлар;

б) маъмурий харажатлар;

в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

а) фоизлар бўйича харажатлар;

б) чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар бўйича салбий курс фарқлари;

в) қимматли қоғозларга сарфланган маблағларни қайта баҳолаш;

г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

4. Тасодифий зарарлар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш жараёнида ишлатиладиган табиат ресурслари, хом ашё, материал, ёқилғи, энергия, асосий фондлар, меҳнат ресурслари ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ташкил қиладиган харажатлар ўзларининг иқтисодий мазмунига мувофиқ қуйидаги харажат унсурларига бўлинади[29]:

- Ишлаб чиқариш материал харажатлар (қайтариладиган чиқиндилар қиймати чиқариб ташланган ҳолда).
- Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.
- Ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғурта ажратмалари.
- Ишлаб чиқариш аҳамиятидаги асосий фондлар ва номоддий активлар амортизацияси.

[29] Славин М.Б. Системный подход в микроэкономике. - М.: ТЕИС, 2015. 93-105 бетлар.

- Ишлаб чиқариш аҳамиятидаги бошқа харажатлар.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш жараёнида бир сўмлик товар маҳсулотига кетган харажат кўраткичини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. У ишлаб чиқариш таннархини товар маҳсулоти ҳажмига нисбати тариқасида аниқланади. Масалан, товар маҳсулотининг қиймати 100 млн. сўмни ташкил этса, маҳсулотни ишлаб чиқариш таннрахи 80 млн. сўм бўлса, у ҳолда товар маҳсулотининг ҳар сўмига қилинган харажат 80 тийин (80:100)га, ялпи фойда эса 20 тийинга тенг бўлади. Демак, бу кўрсаткичда фойда билан ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги боғлиқликни яққол кўрсатишимиз мумкин.

2.3. КИЧИК КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Корхонанинг молиявий иқтисодий ҳолатини баҳолашда корхонанинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва молиявий ҳолати кўрсаткичларини таҳлил қилиш тавсия қилинади.[30]

Таҳлил корхонанинг молиявий ҳисоблари асосида охирги уч йилдаги техник-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади (2.3.1, 2.3.2, 2.3.3-жадваллар).

2.3.1-жадвал.

Корхона иқтисодий ҳолатининг асосий кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	**Ҳисобот маълумотлари**		
	201_й	201_й.	201_й
1	2	3	4
Маҳсулот ишлаб чиқариш хажми, натурал ўлчовда асосий маҳсулотлар бўйича а маҳсулот б маҳсулот			
Маҳсулот сотишдан тушум (сотиш хажми) шу жумладан асосий маҳсулот турлари бўйича а маҳсулот б маҳсулот			
Асосий маҳсулотлар бўйича бозордаги улуш а маҳсулот б маҳсулот			
Ишловчилар сони			
Ўртача иш ҳақи			
Меҳнат унумдорлиги			
Умумий активлар, баланс бўйича, шу жумладан: асосий воситалар айланма маблағлар(жорий активлар)			
Фондлар билан қуролланганлик			
Ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, шу жумладан асосий маҳсулотлар бўйича а маҳсулот б маҳсулот			
Сотилган маҳсулотнинг 1 сўмига қилинган харажатлар, шу			

[30] Кравченко Л.И. Анализ хозяйственной деятельности. Мн.: Выш. школа, 2015. 135-147 бетлар.

жумладан асосий маҳсулотлар бўйича а маҳсулот б маҳсулот			
Маҳсулот сотишдан олинган фойда, шу жумладан асосий маҳсулотлар бўйича: а маҳсулот б маҳсулот			
Баланс фойда (солиқ тўлагунча фойда)			
Илмий-техникавий изланишларга харажатлар			
Хўжалик фаолияти самарадорлиги (сотиш хажмининг ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларига нисбати)			
Экспорт хажми			
Валюта ҳисоб-рақамидаги маблағлар			
Ўз маблағлари			
Қарзга олинган капитал, шу жумладан жорий мажбуриятлар.			

2.3.2- жадвал.

Корхонанинг тўловга қобиллиги ва амалий фаоллиги асосий кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	**Ҳисобот маълумотлари**			**Тавсия этилад иган мезон**
	201_й.	201_й.	2001_й.	
1. Ликвидлик кўрсаткичлари (тўлов қобиллик)				
1.1. Жорий ликвидлик ёки умумий қоплаш коэффиценти				2 - 4
1.2. Тезкор ликвидлик коэффиценти				> 1
1.3. Асолют ликвидлик коэффиценти				> 0.2
1.4. Соф айланма капитали				
2. Амалий фаоллиги кўрсаткичлари				
2.1. Активларнинг айланувчанлиги коэффиценти				
2.2. Ўз маблағларининг айланувчанлиги коэффиценти				
2.3. Асосий воситалар айланувчанлиги (фонд қайтими)				
2.4. Захираларнинг айланувчанлиги коэффиценти				
2.5. Захираларнинг ўртача сақлаш муддати				
2.6. Дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффиценти				
2.7. Дебиторлик қарзларининг ўртача айланиш давомийлиги				
2.8. Кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффиценти				
2.9. Кредиторлик қарзларининг айланиш давомийлиги				
2.10. Операцион даврнинг (циклнинг) давомийлиги				
2.11. Молиявий даврнинг (циклнинг) давомийлиги.				

2.3.3-жадвал.

Корхонанинг молиявий барқарорлиги ва бозор фаоллиги кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлари	**Ҳисобот маълумотлари**			**Тавсия этиладиган мезонлар**
	200_й.	200_й.	200_й.	
3. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари				
3.1. Молиявий мустақиллик коэффиценти				>0.5
3.2. Молиявий қарамлик коэффиценти				<0.5
3.3.Молиявий таваккалчилик коэффиценти				<0.8
3.4. Молиявий барқарорлик коэффиценти				<1.25
3.5. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги коэффиценти				>0.3
3.6. Захираларни ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги коэффиценти				>0.6
4. Корхонанинг бозор фаоллиги коэффицентлари				
4.1. Битта акциянинг даромадлилиги				
4.2. Акциянинг бозор баҳоси ва бир акцияга тўғри келувчи фойда ўртасидаги муносабат				
4.3. Битта акцияга дивиденд меъёри				
4.4. Тўланган дивидендлар улуши				

Юқорида жадвалда келтирилган кўрсаткичларни корхона йиллик ҳисоботидаги «Бухгалтерия баланси» (1-шакл), «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл) ва хоказолар ёрдамида қуйидагича ҳисобланади[31].

Ликвидлик кўрсаткичлари

1.1. Жорий ликвидлик ёки умумий қоплаш коэффиценти = (пул маблағлари + қисқа муддатли молиявий қўйилмалар + соф дебиторлик қарзлари + моддий ишлаб чиқариш захиралари) / корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари.

1.2. Тезкор ликвидлик коэффиценти = (пул маблағлари + қисқа муддатли молиявий қўйилмалар + соф дебиторлик қарзи) / корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари.

[31] Артиков А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2016. 220 бет.

1.3. Абсолют ликвидлик коэффиценти = пул маблағлари / қисқа муддатли мажбуриятлар.

1.4. Соф айланма капитали = жорий активлар - қисқа муддатли мажбуриятлар.

Корхонанинг амалий фаоллиги кўрсаткичлари

2.1. Активларнинг айланувчанлик коэффиценти = сотишдан келган соф тушум / ўртача йиллик активлар.

2.2. Ўз маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти = сотишдан келган соф тушум / ўз маблағларининг ўртача йиллик қиймати.

2.3. Асосий воситалар айланувчанлиги ёки фонд қайтими = сотишдан келган тушум / асосий воситалар ўртача йиллик қиймати.

2.4. Захираларнинг айланувчанлик коэффиценти = сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари / ўртача йиллик захиралар ва харажатлар.

2.5. Захираларнинг ўртача сақлаш муддати = 365 кун / захираларнинг айланувчанлиги коэффиценти.

2.6. Дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффиценти / сотишдан келган соф тушум = соф дебиторлик қарзларининг ўртача йиллик қиймати.

2.7. Дебиторлик қарзларининг ўртача айланиш давомийлиги = 365 кун / дебитор қарзларининг айланувчанлик коэффиценти.

2.8. Кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффиценти = сотилган маҳсулот таннархи / кредиторлик қарзларининг ўртача йиллик қиймати.

2.9. Кредиторлик қарзларининг ўртача айланиш давомийлиги = 365 кун / кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффиценти.

2.10. Операцион даврнинг (циклининг) давомийлиги = захираларнинг ўртача сақлаш муддати / дебиторлик қарзларининг ўртача айланиш давомийлиги.

2.11. Молиявий даврнинг (циклнинг) давомийлиги = операцион давр

давомийлиги - кредиторлик қарзларининг ўртача айланиш давомийлиги.

2. Молиявий барқарорлик коэффицентлари.

3.1. Молиявий мустақиллик коэффиценти / корхона ўз маблағлари (хусусий капитал) / активлар суммаси (умумий капитал)

3.2. Молиявий қарамлик коэффиценти = қарзга олинган маблағлар / активлар суммаси.

3.3. Молиявий таваккалчилик коэффиценти = қарзга олинган маблағлар / ўз маблағлари.

3.4. Молиявий барқарорлик коэффиценти = ўз маблағлари / қарзга олинган маблағлар.

3.5. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги коэффиценти = ўз айланма маблағлари / жорий активлар.

3.6. Захираларни ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги коэффиценти = ўз айланма маблағлари / захиралар.

ИЗОҲ: Ўз айланма маблағлари = ўз маблағлари – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар ва қўйилмалар)

3. Корхонанинг бозор фаоллиги коэффицентлари.

3.1. Битта акциянинг даромадлилиги = соф фойда / муомаладаги оддий акциялар сони.

3.2. Акциянинг бозор баҳоси ва бир акцияга тўғри келувчи фойда ўртасидаги муносабат = битта акциянинг бозор қиймати / битта акцияга тўғри келувчи соф фойда.

3.3. Битта акцияга дивиденд меъёри = бир акцияга тўғри келувчи дивиденд бир / акциянинг бозор қиймати.

3.4. Тўланган дивидендлар улуши = тўланган дивидендлар суммаси / соф фойда.

Юқорида энг кўп фойдаланиладиган молиявий кўрсаткичлар келтирилди. Аниқ бир бизнес-режани ишлаб чиқиш жараёнида корхона фаолиятни ўтган даврларда тўла кўрсатиб бера оладиган кўрсаткичларни

танлаб олиш мумкин, чунки уларнинг кўпчилиги бир бирига ўхшаш ёки бир хил маълумотни бериши мумкин.

Молиявий режанинг муҳим қисми бу маҳсулотни сотиш ҳажмининг башорат қилинишидир. У корхона ўз товар ва хизматлари билан «эгаллаб» олишни мўлжаллаган бозор улуши ҳақида тасаввурга эга бўлишга ёрдам бериши лозим. Шу сабабли башоратни биринчидан, ишлаб чиқариш режаси билан, иккинчидан, маркетинг режаси билан боғлаш талаб қилинади. Бозорни жиддий равишда таҳлил қилмасдан туриб маҳсулот сотувини башорат қилиш у ёқда турсин, ишлаб чиқариш ҳажмини режалаштириш ҳам ўз аҳамиятини йўқотади.

Маҳсулотни сотиш ҳажми башоратлари одатда корхонанинг маркетинг хизмати томонидан ишлаб чиқилади. Мавжуд тавсияларга кўра у қуйидаги кўриниш ёки шаклда бўлиши лозим (2.3.4-жадвал).

2.3.4-жадвал

Маҳсулотни сотиш ҳажми башоратлари

Кўрсаткичлар	**Йил чораклари**									
	I		**II**		**III**		**IV**		**йилда**	
	Режада	**Амалда**	**Режада**	**Амалда**	**Режада**	**Амалда**	**Режада**	**Амалда**	**Режада**	**Амалда**
1. Корхонанинг бозор салоҳияти (мазкур товар бирлигида)										
2. Товар нархи										
3. Сотиш ҳажми										
4. Мазкур товар бўйича тармоқ бозорида корхонанинг улуши										
5. Корхона чиқарган маҳсулотлар сони										
6. Режадаги йил бошида корхона омборларида мазкур товар заҳиралари										

Одатда бундай башоратлар 3-5 йилга қилинади. Бунинг сабаби шундаки, дастлабки йилда корхона бозордаги вазият билан таниш бўлиб, ким учун маҳсулот ишлаб чиқаришни билади, кейинги йиллар учун эса биз буни

таъкидлай олмаймиз. Шу сабабли иккинчи йилдан бошлаб корхона башорат баҳолари билан шуғулланишга мажбур бўлади.

Бозор салоҳияти корхонада ишлаб чиқарилаётган мазкур товарга тармоқ бозоридаги талаб катталигини кўрсатади. У корхонанинг тармоқ бозоридаги улушини белгилаб беради. Сотув ҳажми кўрсаткичи корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва бозор талаби ўртасидаги муносабатлар натижасини тавсифлайди. Сотув ҳажми талабдан ортмайди.

Башоратларни ҳақиқий кўрсаткичларга яқинлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Гап шундаки, молиявий режанинг бошқа бўлимлари айнан шу муҳим элементга асосланади.

Молиявий режанинг кейинги муҳим бўлими тушум ва харажатлар баланси бўлиб, у бизнес-лойиҳанинг (янги иш, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ҳоказо) фойда келтириши ёки келтирмаслиги, шунингдек, бундай ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун қанча маблағ киритиш лозимлигини баҳолашга имкон беради. Одатда у корхонанинг даромад ва харажатлари баланси деб аталади.

Мазкур бўлимнинг асосий вазифаси пул маблағлари келиб тушиши ва сарфланишининг синхронлигини, яъни ҳар бир лаҳза учун ушбу маблағларнинг етарли эканлигини аниқлаши лозим. Бошқача қилиб айтганда, корхона активларини тезда пул маблағларига айлантириш ёки лойиҳани амалга оширишда унинг ликвидлигини англатади. Шуни эътиборга олиш керакки, ликвидлик билан боғлиқ муаммо бозор муносабатлари шароитларида корхоналарнинг муваффақиятсизликка учраши сабабларидан бири ҳисобланади.

Умуман даромад ва харажатлар баланси корхонанинг қанчалик самарали ишлашини тавсифлайди. У шунингдек, солиқ декларацияларини тўлдириш, кредит сўраб мурожаат қилишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Молиявий режанинг ушбу бўлимида акс эттирилувчи асосий кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) мазкур товарни сотишдан келиб тушган пул тушуми;

2) маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш харажатлари (моддалар бўйича);

3) умумишлаб чиқариш харажатлари (моддалар бўйича);

4) солиқ ва бошқа тўловлар;

5) соф фойда;

6) корхона тасарруфида қолувчи фойда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичларни ҳисоблаш механизми уларга хос бўлган ишлаб чиқаришнинг молиявий жиҳатларини акс эттириб, худди ишлаб чиқаришни режалаштириш, маҳсулотни сотиш ҳажмини башорат қилиш ва бизнес-режанинг бошқа бўлимларидаги каби алоҳида жадвалда умумлаштирилади. Йиллик даромад ва харажатлар баланси чораклар бўйича, чораклик баланс эса ойлар бўйича тақсимлаган ҳолда ишлаб чиқилади. Кейинги ҳолатда ушбу ҳужжат тезкор характерга эга бўлиб, корхонанинг молиявий фаолиятини тартибга солишга хизмат қилади.

Даромад ва харажатлар баланси билан бирга корхона йил боши ва охирида актив ва пассивлар йиғма балансини туради**.** Бу ҳужжатнинг аҳамияти даромад ва харажатлар баланси каби юқори бўлмасада, бизнес-режани усиз тузиш мумкин эмас. Ушбу баланс тижорат банки мутахассислари томонидан турли шаклда киритиш мўлжалланаётган активларнинг мақсадга мувофиқлиги ва уларнингн суммасини баҳолаш, шунингдек, ушбу активларни қайси пассивлар ҳисобига молиялаштиришга ҳаракат қилинаётганлигини аниқлаш нуқтаи назаридан синчиклаб ўрганилади. Корхонанинг ўзи учун бу ҳужжат молиялаштириш манбаларининг ишончлилиги ва сифатлилигини баҳолаш учун керак бўлади.

III БОБ. КИЧИК КОРХОНАЛАРДА ФОЙДА КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. РЕАЛ СЕКТОР КИЧИК КОРХОНАЛАРИ ФОЙДАСИ, УНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИКЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ТАҚСИМЛАНИШИ

Давлатимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида, миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларига бозор муносабатларининг сингиб бориши ва уларнинг амалиётда кенг миқёсда қўлланилиши реал сектор корхонларида фойда категориясининг ҳам ҳақиқий мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишни тақозо этди[32].

Мамлакатимизда реал секторида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва таҳлил қилиш, реал секторида қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларни баҳолаш учун зарур бўлган билимлар даражасини бойитиш ва иқтисодий тафаккурлаш даражасини ошириш учун, аввало, реал сектор корхонларида фойда назариясини чуқур ўрганиш лозим.

Ҳозирги замон иқтисодиёти шароитида фойда корхоналар хўжалик фаолиятининг натижаларини ифодаловчи, шунингдек, уларнинг мақсадини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлар саналади. Фойда хўжалик юритувчи субъектларнинг макон ва замонда фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг асоси (негизи) ҳисобланади. Бу ўзининг хўжалик фаолияти учун тўлиқ моддий жавобгарликни зиммасига олган корхоналарнинг асосий мақсади –

[32] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармони.

истеъмолчилар талабини қондириш орқали товар айланмаси ҳажмини кўпайтириш ва максимал даражада фойда олишдан иборатлиги билан боғлиқ. Иқтисодий адабиётларда фойда билан боғлиқ бир қатор тушунчалар келтирилиб, турлича талқин этилган ва унга нисбатан турлича ёндашувлар борлигини кўриш мумкин. Иқтисодиётга тааллукли, жумладан, реал сектор иктисодиётига тааллуқли адабиётларда фойдани таърифлашда унга ялпи даромад ва муомала харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида қаралиб келинган. Бизнинг фикримизча, фойдага ялпи даромад ва муомала харажатларини фарқи, деб айтиш қийин. Чунки, корхона фаолиятида муомала ҳаражатларидан ташқари унга кирмайдиган, лекин даромад ва товарлар қиймати ҳисобидан қопланадиган бошқа харажатлар ҳам мавжуд. Россиялик олим А.М.Фридман[33] “**Фойда** – бевосита асосий ва айланма капиталдан, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга боғлиқ бўлган бозор иқтисодиётининг муҳим категориясидир”, деб таъриф берган.

Мазкур масалада Ўзбекистонлик олимларнинг билдирган фикрлари 3.1.1-жадвалда келтирилди.

3.1.1-жадвал

Фойда тушунчаси бўйича олимларнинг фикрлари

Муаллифлар	Тушунчанинг мазмуни
Ш.Ш.Шодмонов У.В.Ғофуров	Корхона пул даромадларидан сарфланган барча ҳаражатлар чиқариб талангандан кейин қолган қисми **фойда** деб юритилади
А.Ўлмасов А.Ваҳобов	**Фойда** бу капитал ва тадбиркорлик фаолияти учун улар соҳибига тегадиган пул мукофотидир
Э. Сариқов, М.Маматов	**Фойда** – корхонанинг даромади ва умумий ҳаражатлари орасидаги мусбат айирма
Б.А.Абдукаримов	**Фойда** - бу мураккаб иқтисодий категориялардан бири хисобланади. У асосан қўшимча қийматни яратиш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди
М.Қ.Пардаев	Тадбиркорлик фаолиятининг **фойдаси** деганда, унинг ўз маҳсулотини (иши, хизматини) сотиш натижасида беосита ўз ихтиёрига қолган соф даромадининг бир қисми тушунилади

[33] Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потрибительского общества. Учебник.-М.: Издателсько-торговая корпорация. “Дашков и К°”, 2008.-517 с.

Н.Қ.Йўлдошев	**Фойда** тадбиркорлик фаолияти натижасида олинувчи пул шаклида акс эттирилган соф даромад бўлиб, савдо корхонаси жами харажатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқ сифатида қўлга киритилади.

Корхоналар фойдаси хусусида келтирилган бу таърифлардан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда ушбу категория тушунчасига назарий ва амалий жиҳатдан асосланган таърифни ишлаб чиқиш муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан фойда тушунчасига берилган таърифлар бир-бирига қарама-қарши эмас, аксинча уларнинг таърифлари бир-бирларини тўлдириб борган. Шу билан бирга келтирилган алоҳида таърифларни фойда тушунчасининг мазмун моҳиятини тўлиқ очиб берган, деб ҳам айта олмаймиз.

Корхона фойдаси таърифига профессор Б.А.Абдукаримов[34] батафсилроқ тўхталиб: “Фойданинг мохияти уни иқтисодий табиатидан келиб чиккан холда ёритиладиган булса, у кушимча кийматнинг пулдаги ифодасидир. Иқтисодиётда фойда товар кийматининг (C+V+m) асосий элементларидан бири, яъни «m»-ни англатади. Ушбу назарий асосдан келиб чикиб, корхона фойдасини корхона фаолиятида яратилга қўшимча қийматнинг пулдаги ифодаси сифатида таърифлаш тўғри булади. Демак, фойда корхона фаолияти қийматининг бир элементи, ушбу қийматнинг пулдаги ифодаси бўлиб, товар баҳосининг элементидир. Юқорида келтирилган қийматнинг классик формуласидан (C+V+m) келиб чиқсак фойда - «m»да ифодаланади”

Реал сектор корхонаси фойдасининг иқтисодий моҳияти унинг бажарувчи функциялари орқали тўлиқ акс эттирилади:

- тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади ва ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш омили;

[34] Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик,-Т.:«Иқтисод-молия». I-қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри, 2016.

- хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш чораси;
- корхонанинг ривожланиши учун молиявий ресурслар манбаи;
- марказий ва маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантирувчи манба.

Фойданинг биринчи функцияси тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асосий мотиви, унинг якуний мақсади корхона эгаларининг молиявий аҳволини яхшилаш эканлигига боғлиқ. Киритилган капиталга олинувчи даромад ҳажми бундай ўсишнинг тавсифномаси бўлиб, унинг манбаи корхона олувчи фойда ҳисобланади. Корхонанинг бошқа ходимлари учун ҳам фойда асосий мотив ҳисобланади, чунки у меҳнат ҳисобига қўшимча моддий мукофотларни таъминлайди ва бир қатор ижтимоий эҳтиёжларни қондиради.

Фойданинг иккинчи функцияси иқтисодий самарадорликни аниқлаш билан боғлиқ бўлиб, у корхона фаолиятининг пировард натижаларини сарфланган харажатлар билан солиштириш воситасида унинг хўжалик фаолияти самарадорлигини тавсифлайди. Бошқа барча шартлар бир хил бўлганда жами ҳаражатлар кўпроқ фойдани таъминласа ёки мазкур фойда миқдорига минимал харажатлар билан эришилганда корхона фаолиятини самарали ҳисоблаш мумкин.

Корхонада фойда турли хил фаолият натижасида олиниши мумкин. Барча фойдалар йиғиндиси корхонанинг умумхўжалик фойдасини ташкил қилади. Ялпи фойданинг таркибий элементлари қуйидагилардан иборат:

- товар (маҳсулот) сотиш ва кўрсатилган хизматдан олинган фойда;
- асосий фондлар, шунингдек, корхонанинг бошқа мулкини сотишдан олинган фойда;
- корхонанинг молиявий фаолияти орқали олинувчи фойда.

Фойда корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани тавсифлайди. Корхонанинг фойда олиши даромадларнинг корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлардан кўп бўлишини англатади ҳамда у

рағбатлантириш вазифаларини ҳам бажаради. Бу эса фойда бир пайтнинг ўзида молиявий натижа бўлиш билан бирга корхона молиявий ресурсларининг асосий элементи эканлиги, даромаднинг турли даражадаги бюджет шаклланиши учун асосий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Корхонанинг умумхўжалик фойдаси тақсимлаш объектидир. Фойдани тақсимлаш деганда унинг бир қисмини бюджетга жўнатиш тушунилади. Қонунчиликка асосан фойданинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар шаклида бюджетга келиб тушувчи қисми тартибга солинади.

Фойдани тақсимлаш тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлади:

- ✓ корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижасида оладиган фойдаси давлат ва корхона ўртасида хўжалик субъекти сифатида тақсимланади;
- ✓ фойданинг давлатга тўланувчи бир қисми солиқ ва йиғимлар кўринишида бюджетга келиб тушади. Солиқлар таркиби ва фоизи, уларни ҳисоблаш тартиби ва бюджетга тўланувчи бошқа тўловлар қонунчилик томонидан белгиланади;
- ✓ солиқлар тўлангандан сўнг корхона тасарруфида қолувчи фойда миқдори, унинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижаларини яхшилашдан манфаатдорлигини камайтирмаслиги лозим.

Корхона ихтиёрида қолувчи соф фойдадан фойдаланиш йўналишлари корхона зиммасида бўлади.

Корхона тасарруфида қолувчи соф фойдадан фойдаланишнинг асосий йўналишлари унинг таъсис ҳужжатлари ва таъсисчилар қарорларида белгилаб берилади. Уни тақсимлаш тартиби корхонанинг қайси мулкга оид эканлигига боғлиқ.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида корхона соф фойдасининг тақсимоти ўзига хос хусусиятларга эга. Бунга корхонанинг мулк шакли таъсир этади.

Соф фойда тақсимоти қуйидаги кўринишларда бўлади:

- ✓ акционерлик жамиятида дивидентлар тўлашга ва резерв капиталига ажратма қилинади. Унинг қолган қисми тақсимланмаган фойда кўринишида жамият ихтиёрида қолади ва корхона фаолиятини ривожлантиришда (асосий фондларни кенгайтиришда ва айланма маблағларни шакллантиришда) қатнашади;
- ✓ қўшма корхонада резерв капиталига ажратма қилинади, унинг уставига мувофиқ таъсисчилр ўртасида тақсимланади ёки таъсисчилар қарорига биноан корхона фаолиятини ривожлантиришга ишлатилади;
- ✓ хусусий корхоналарда резерв капиталига ажратма қилинади ва унинг қолган қисми тақсимланмаган фойда кўринишида корхона фаолиятини ривожлантиришда иштирок этади;
- ✓ давлат корхоналарида резерв фондига ажратма қилинади, қолган қисми эса Устав фондига қўшилади. Маълумки, корхона Устав фонди унинг асосий ва айланма фондларини шакллантиришда муҳим манба ҳисобланади[35].

Заҳира фонди – ҳисобот йили учун корхонанинг ноишлаб чиқариш харажатларини қоплаш, шунингдек, ҳисобот йилида етарли маблағ бўлмаган ҳолларда иштирокчилар учун даромад (имтиёзли акция соҳибларига дивиденд) тўлашга мўлжалланади.

Корхонада фойда асосан товарларни сотишдан келади ва у товарларни сотишдан олинган ялпи даромадларга бюджетдан копланадиган айрим харажатларни кушиш ва улар суммасидан муомала харажатларини айриш йули билан аникланди.

---

[35] Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: “Фан ва технологиялар”, 2013, 274-б.

Корхона фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади (3.1.1-чизма):

Корхоналарнинг фаолиятига баҳо беришда сотилган маҳсулотларнинг ҳажми, уларга қилинган сарф-ҳаражатлар ва фойда тушунчаларидан кенг фойдаланилади. Корхоналарда товар ва хизматларни сотишдан олинган маблағлар, уларнинг пул тушумлари ёки пул даромадлари дейилади. Корхона, пул даромадларидан сарфланган барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми фойда деб юритилади. Айрим адабиётларда бу иқтисодий фойда деб ҳам юритилади.

Кўрсаткични номи	Аниклаш усули ва кўрсаткичларни белгиси
I. Махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда (ЯФ)	ЯФ=ССТ-ИТ *ССТ-сотишдан олинган соф тушум;* *ИТ*-сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи
II. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ)	АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ; *ДХ-давр харажатлари;* *БД,БЗ*-тегишлича асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва зарарлар
III.Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (УФ)	УФ=АФФ+МД-МХ; *МД,МХ*-тегишлича молиявий фаолиятдан даромадлар ва харажатлар
IV. Солиқ тўлангунгача олинган фойда (СТФ)	СТФ=УФ+ФП++ФЗ; *ФП,ФЗ*-тегишлича фавкулотда фойда ва зарар
V. Соф фойда (СФ)	СФ=СТФ-ДС-БС; *ДС-даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;* *БС-бошқа солиқлар ва тўловлар*

3.1-чизма. Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг молиявий натижалари (фойда)нинг кўрсаткичларини аниклаш усуллари

Товар ва хизматлар сотилганда уларнинг умумий қиймати пул даромадларига, ундаги қўшимча қиймат эса фойдага айланади. Бундан кўриниб турибдики фойданинг ҳақиқий манбаи қўшимча маҳсулот ёки қўшимча қийматдир. Лекин шу нарсани айтиш лозимки бутун жамиятда баъзан алоҳида олинган бир мамлакатда фойда массаси билан қўшимча қиймат массаси миқдор жиҳатдан бир-бирига тенг бўлиши мумкин. Лекин алоҳида олинган корхоналарда ва тармоқларда яратилган қўшимча маҳсулот олинган

фойда миқдоран тенг бўлмаслиги мумкин. Чунки талаб ва таклиф нисбатларининг ва баҳо механизмининг ўзгариши таъсирида бир тармоқда ёки бир гуруҳ корхоналарда яратилган қўшимча маҳсулотлар бошқа корхона ва тармоқларга фойда шаклида ўтиб кетади.

Корхонанинг умумий фойдасидан бюджетга (асосан солиқ тўловлари) банкларга (олинган ссуда учун фоиз) тўловлар ва бошқа мажбуриятлар чиқариб ташланса корхона соф фойдаси қолади.

Бухгалтерия фойдаси сотилган маҳсулот учун тушган умумий пул суммасидан ишлаб чиқаришнинг ташқи харажатлари чиқариб ташланиши натижасида ҳосил қилинади. Шу сабабли бухгалтерия фойдаси иқтисодий фойдадан ички харажатлар миқдорига кўпроқдир. Бунда ички харажатлар ҳар доим ўз ичига нормал фойдани ҳам олади.

Корхона фойдасининг мутлоқ миқдори унинг массасини ташкил қилади. Фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати ва унинг фоизда ифодаланиши фойда нормаси дейилади.

Амалиётда фойда нормасини ҳисоблашнинг икки вариантидан фойдаланилади. Булар фойданинг жорий сарфларга-корхона харажатларига ёки авансланган маблағларга (асосий ва айланма капитал) нисбатидир.

Булар қуйидагича аниқланади:

1. P'=(P/W)*100

бу ерда: P' – фойда нормаси; P – фойда массаси; W – иқтисодий ёки ишлаб чиқариш харажатлари;

2. P'=(P/Каванс)*100

бу ерда: P' –фойда нормаси; P –фойда массаси; Каванс (Асосий капитал+Айланма капитал) –корхона авансланган маблағлари ёки асосий ва айланма капиталнинг ўртача йиллик қиймати.

Фойда нормаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига тўғри мутаносиб ҳамда фойдаланилган авансланган маблағлар қийматига тескари

мутаносибдир. Шу туфайли фойда нормаси корхона иш самарадорлигини интеграл кўрсаткичи ҳисобланади.

Фойданинг ўсишига, чиқарилаётган маҳсулот умумий ҳажми ўзгармаган ҳолда икки йўл билан: ёки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳисобига, ёки баҳони ошириш ҳисобига эришиш мумкин. Баҳонинг ўсиши баъзи иқтисодчиларнинг фойда нормаси кўрсатгичини бартараф этиб бўлмайдиган қусурга эга бўлган ва шу сабабли самарадорликни ўлчаш учун мутлақо яроқсиз кўрсатгич сифатида танқид қилишларига сабаб бўлди.

2017 йилда Республикамизда фаолият кўрсатиб келган 169 минг корхоналар йил якуни бўйича 307,6 млрд. сўм фойда олган бўлса, улардан 139 корхона 24,7 млрд. сўмлик зарар кўрган.

Бутун олинган фойданинг 35 фоизи саноат, 20,3 фоизи транспорт, 11,1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш ва 5,2 фоизи қурилиш корхоналари улушига тўғри келган[1] .

Хулоса қилиб айтганда, фойда корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани тавсифлайди. Корхонанинг фойда олиши даромадларнинг корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлардан кўп бўлишини англатади ҳамда у рағбатлантириш вазифаларини ҳам бажаради. Бу эса фойда бир пайтнинг ўзида молиявий натижа бўлиш билан бирга корхона молиявий ресурсларининг асосий элементи эканлиги, даромаднинг турли даражадаги бюджет шаклланиши учун асосий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

[1] 2017 йил Республика статистика қўмитаси маълумотларидан олинган.

3.2. КИЧИК КОРХОНАЛАРНИНГ ФОЙДАСИНИ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларининг ўрни беқиёс ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидаги корхоналарнинг техник-иқтисодий салоҳиятини янада ошириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бироқ, айрим корхоналарнинг фаолияти ривожланиш ўрнига аксинча банкротликка учрашиши кузатилмоқда. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” номли асарида “Иқтисодиётни эркинлаштириш – хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш демакдир” деб таъкидлади. Энди ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини тегишли моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари ҳамда илғор технология кабилар билан ўзлари таъминлайди. Товарини (иш, хизматини) ўзлари сотади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш бир томондан реал сектор корхоналарининг мустақил фаолияти учун катта имконият яратиб берса, иккинчи томондан, уларнинг масъулиятини янада оширади. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг иқтисодий эркинлиги, ходимлар масъулиятининг ошганлиги ҳам фаолиятни чуқур таҳлил қилишни тақозо этади. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодий эркинликни тўлиқ жорий қилиш учун ҳамон одамлар руҳиятида, ҳатто айрим раҳбарларимизда ҳам, боқимандалик кайфиятининг асоратлари сақланиб қолган. Мамлакатимизда қабул қилинган ва қиланаётган барча қонунлар ва меъёрий

ҳужжатлар эркин иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган бўлишига қарамасдан уларнинг айримлари ҳаётда ишлатилмаяпти. Чунки, одамларнинг иқтисодий эркинликка етарли даражада кўникма ҳосил қилиши қийин кечмоқда. Шу туфайли Юртбошимиз: “Одамларимизнинг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашда бу муҳим масаланинг нақадар ўткир ва долзарб муаммо бўлиб турганини ҳисобга олиб, бу ишларнинг ҳажмини оширган ҳолда, биз янги йилда ҳам албатта давом эттирамиз. Чунки, халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди. Бизнинг меҳнаткаш, оққўнгил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳақлидир[36]”, деб таъкидлади.

Режали иқтисодиёт шароитида хўжалик фаолияти таҳлилини ташкил қилиш тизимида, асосан, режанинг бажарилиши ва унга таъсир қилувчи омилларни давлат нуқтаи назаридан кўриб чиқиларди. Эндиликда эса таҳлилнинг мазмуни, шакли ва ўтказиш усуллари тубдан ўзгарди. Ҳозирги мамлакатни модернизациялаш шароитида таҳлил, энг аввало мулкдорлар томонидан ўтказилиб, унинг манфаатига хизмат қилади. Бу ерда меҳнат жамоаси ва давлат манфаатларининг уйғунлиги таъминланиши лозим. Шу нуқтаи назардан савдо корхоналари хўжалик фаолияти таҳлилини янги талабларга мос ҳолда шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор механизмининг такомиллашиши, ислоҳатларнинг тобора чуқурлашиб бориши ҳар бир иқтисодий жараённи чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Чунки, мулкдор иқтисодий жараёнда асосий субъект сифатида иштирок этади. У ўз мулкининг кўпайишидан, кўпроқ фойда олишдан манфаатдор. Бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун тадбиркорлик ва ақл билан иш кўриш лозим.

[36] Ўзбекистон республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг олий мажлисга мурожаатномаси. 22.12.2017 йил.

Хўжалик фаолияти таҳлили[37]да корхона раҳбари ёки менежери савдо жараёнини батафсил ўрганиши лозим. Бунинг учун иқтисодий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бундай кўрсаткичлардан бири фойда ва рентабеллик кўрсаткичларидир.

Корхона фойдаси муҳим аҳамиятга эга, чунки у барча молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар негизини ташкил қилади. Аммо, хўжалик фаолиятининг пировад натижаси соф фойдага эришиш билан белгиланади. Шу туфайли иқтисодий таҳлилда соф фойдани ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иктисодиёти шароитида корхоналарининг олдига товарларни истеъмолчиларга белгиланган микдорда ва муддатда етказиб бериш, товарларни омборларда сифатли сақланишини ташкил этиш, харидорларни зарур товарларга бўлган талабини тезкор тахлил килиш, уларга замонавий сервис хизматлари кўрсатиш каби бир канча муҳим вазифалар қўйилади Ушбу вазифаларнинг оғишмай бажарилиши корхоналар хўжалик фаолиятидан оладиган фойдасини доимий равишда таҳлил қилиш асосида қабул қилинган самарали бошқарув қарорларига боғлиқ бўлади.

Реал сектор корхонаси фойдаси ва рентабеллик тахлилининг асосий мақсади савдо корхонанинг хисобот даврида олган фойдасини миқдор ва таркибий жиҳатдан бахолаш, уларнинг олдинги даврларга нисбатан ўзгаришига, мазкур кўрсаткичлар буйича режа бажарилишига баҳо бериш, келгусида реал сектор корхонаси фойдасини кўпайтиришга каратилган чора-тадбирлар ишлаб чикиш ва корхона фаолиятининг рентабеллигини таъминлашдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун савдо корхонаси фойдаси ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили олдига бир қатор вазифалар қуйилади. Бизнинг фикримизча, ушбу вазифалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

---

[37] Кравченко Л.И. Анализ хозяйственной деятельности. Мн.: Выш. школа, 2015.

- келгусида фойда ва рентабелликни режалаштириш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш;
- ҳисобот даврида олинган фойдани микдор ва таркибий жиҳатдан таҳлил қилиш;
- фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг сўнгги йиллардаги динамикасига баҳо бериш;
- фойдани кўпайтириш учун мавжуд ички ва ташқи имкониятларни ўрганиш;
- фойда ва рентабеллик кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва шу омилларни фойдани оширишга сафарбар килиш ва бошқалар

Реал сектор корхоналари фойдаси ва рентабеллиги тахлили бир томондан мазкур кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини ўрганса, иккинчидан хўжалик фаолиятини батафсил ўрганиб келгуси давр учун фойдани режалаштиришга тегишли ахборотларни тўплаб беради.

Реал сектор корхонасида фойда ва рентабеллик тахлили мукаммал бўлиши учун таҳлил мобайнида ушбу кўрсаткичлар олдинги йиллар билан солиштирилиши, уларнинг сўнгги йиллардаги динамикаси ўрганиб чиқилиши лозим. Фойда ва рентабелликнинг динамик таҳлили олдинги қабул қилинган бошқарув қарорларининг самарадорлигини бахолаш, шунингдек фойда кўрсаткичларининг кўпайиш тенденциясини белгилаб олиш имкониятларини яратади[38].

Фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини режанинг бажарилишини ўрганиш билан боғлиқ. Мазкур кўрсаткичлар режасининг бажарилишини чуқур ўрганиш, шу орқали унинг фаолиятига объектив баҳо бериш ҳам таҳлилнинг муҳим вазифаси бўлиши керак.

---

[38] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармони.

Реал сектор корхонасида фойда ва рентабеллик режасини бажариш жараёнида турли хил омиллар таъсир қилиши ҳам мумкин. Тахлил жараёнида шу омилларни аниқлаш ва ҳар бирининг таъсирини ҳисоблаш талаб этилади.

Фойда ва рентабеллик кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўли омилли тахлил йўли билан амалга оширилиб, шу кўрсаткичларни ошириш, ички ва ташқи имкониятларни аниқлаш ва уни келгуси давр учун сафарбар килиш йўлларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Бугунги кескин рақобат шароитида реал сектор корхоналарида ички имкониятларни ахтариб топиш ва уни хўжалик фаолиятига сафарбар килиш таҳлил орқали амалга оширилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида реал сектор коронасида фойда ва рентабеллик таҳлилининг асосий вазифаларидан бири уларга таъсир этувчи омилларни чуқур ўрганиш орқали ички имкониятларни ахтариб топиш ва уларни фойдани оширишга сафарбар қилишдан иборатдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, таҳлилнинг вазифаси бугунги мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида ҳам, келажакда ҳам реал сектор корхоналари хўжалик фаолиятини узлуксиз яхшиланиб бориши учун иқтисодий дастак сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳар қандай корхонанинг, хиссадорлик жамиятининг молиявий ахволи барча учун бефарқ эмас. Чунки, уларнинг молиявий ахволи давлат, хиссадорликлар ва таъсисчиларнинг манфатларига бевосита таъсир этади. Шунинг учун корхоналарнинг молиявий ахволини бахолаш катта ахамиятга эга.

Иқтисодиёт – бу ҳисоб-китоб дегани. Ҳар бир ишимизда пухта ҳисоб-китоб биринчи ўринда туриши лозим. Акс ҳолда, ҳамма ишимиз эски ҳаммом, эски тос бўлиб қолаверади. Мана, масалан, 2018 йилда 66 миллиард

куб метр табиий газ ишлаб чиқаришимиз керак. Шундан 17 миллиард куб метр газ “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига етказиб берилади. Бунинг ҳисобидан 56 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилади. Афсуски, бизда электр узатиш тармоқлари эскириб кетган. Бунинг оқибатида 15-20 фоиз электр энергияси истеъмолчига етиб бормасдан, тармоқнинг ўзида беҳуда йўқотилмоқда[39].

Ёки яна бир мисол. “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти таркибига кирадиган корхоналар томонидан йилига 10 миллиард куб метр табиий газ истеъмол қилинади. Шу асосда минерал ўғитлар ишлаб чиқарилиб, фермерларимизга етказиб берилади. Фермер хўжаликларидан бунинг учун маблағлар ўз вақтида ундирилмагани сабабли “Ўзкимёсаноат” корхоналари 2017 йил 1 декабргача табиий газдан 890 миллиард сўм қарздор бўлиб қолган.

Бозор шароитида маҳсулот етказиб берувчи ҳам, истеъмолчи ҳам ўз шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажариши керак. Акс ҳолда, бир жойда депсиниб, бошимиз муаммодан чиқмайди.

Иқтисодиётда бошқарув тизими эскиргани, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизмлар ўз вақтида жорий қилинмагани ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Шунингдек, технологик қолоқлик, ресурс ва энергияни тежайдиган технологиялар, муқобил энергия манбаларини татбиқ этишнинг сустлиги ҳам иқтисодий тараққиёт йўлида тўсиқ бўлмоқда.

Биз, аввало, четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича самарали тизим яратишимиз, ҳар бир кредитни аниқ ишлатишни ўрганишимиз лозим. Бу масалада етти ўлчаб, бир марта кесадиган, оқибатини пухта ўйлаб иш олиб борадиган давр келди.

---

[39] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

Шу нуқтаи назардан, давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим.

Мамлакатимизда асосий энергия ресурсларининг нархи паст бўлиб қолаётгани бозор иқтисодиёти шароитида ўзини оқламаслигини албатта ҳаммамиз яхши тушунамиз. Масалан, Ўзбекистонда аҳоли ва саноат корхоналари учун 1 мегаватт соат электр энергиянинг нархи 25 АҚШ долларини ташкил этади. Германияда эса бу нарх аҳоли учун – 332 доллар, корхоналар учун – 144 доллардан иборат. Россияда тегишлича 47 ва 51 долларни, Ҳиндистонда 68 ва 87 долларни ташкил этади. Шунингдек, 1000 куб метр табиий газнинг нархи Ўзбекистонда 32,9 доллар, Швецияда 1552, Португалияда 1132 доллардан зиёд, Италияда 1045, Германияда 785 доллардан, Англияда эса 770 доллардан ортиқни ташкил этади. Бу рақам Россияда 83 доллардан, Қозоғистонда 45 доллардан зиёддир[40].

Кўриниб турибдики, бизда энергия ва табиий газ ресурслари ривожланган давлатларга нисбатан бир неча баробар арзон. Лекин ресурслардан оқилона фойдаланиш йўқлиги натижасида таннархнинг пасайишига, маҳсулот ҳажми ўсишига эришиш қийин бўлмоқда.

Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун мамлакатимиз энергетика тизимини ислоҳ қилишимиз, бу борада аниқ стратегия ишлаб чиқишимиз лозим. Аввало, самарасиз ва зарар билан ишлайдиган корхоналарни хусусийлаштириш, монополияни тугатиш керак. Шунингдек, электр энергияси етказиб беришда рақобат муҳитини

[40] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017 йил.

шакллантириш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш зарур. Бунинг учун хусусий секторни кенг жалб этган ҳолда, ишлаб чиқаришни молиялаштириш бўйича бозор механизмларига ўтиш талаб этилади.

Биз 2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилган эканмиз, келгуси йили фаол тадбиркорликни ривожлантириш эътиборимиз марказида бўлади. Бу соҳани қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилади[41].

Бозор иқтисодиётининг талаби шундайки, ресурс ва имкониятлардан фойдаланиш имкони, яъни фаолият майдони ҳаммага тенг бўлиши керак. Яккаҳокимликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни мамлакатимизга импорт қилиш фақат айрим гуруҳлар қўлида тўпланиб, улар учун мўмай даромад манбаига айланиб қолганини адолатдан деб бўлмайди.

Баъзи бир корхоналарга имтиёзлар бериш орқали ўзимиз эркин рақобат муҳитини бўғиб, нархларнинг барқарор бўлишига салбий таъсир кўрсатмоқдамиз.

Энди биз бундай амалиётдан воз кечамиз. Бу масалада ҳаммага тенг шароит яратилади. Имтиёзлар айрим корхоналарга эмас, балки алоҳида ишлаб чиқариш ва хизмат турларини рағбатлантириш мақсадида берилади. Имтиёзни рўкач қилиб, энг муҳим фаолият турларини тўла монополия қилиб олишга мутлақо йўл қўйилмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида тенг ва ҳалол рақобат муҳитини яратиш мақсадида “Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада самарали таъминлаш

[41] Ўзбекистон Ресупубликаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 22.12.2017 йил.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Кўпчиликка яхши аён: божхона тартиб-таомилларининг мураккаблиги тадбиркорликка тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Биз аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтирмасдан туриб, “яширин иқтисодиёт”дан тўлиқ халос бўла олмаймиз.

2018 йилда банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратиш зарур.

Валюта бозорини ислоҳ қилишга қарши бўлган айрим “экспертлар”нинг иккиланиши ва “маслаҳат”ларига қарамасдан, биз қисқа муддатда халқаро стандартлар асосида валютани либераллаштириш жараёнини бошладик. Лекин биз яхши тушунамизки, бу иш ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг бошланиши, холос.

Валюта сиёсати бизнес ва иқтисодиётни ривожлантириш манфаатларига тўлиқ хизмат қилиши, инвестиция фаолиятига ижобий туртки бериши лозим.

2018 йилда солиқ сиёсатини амалга оширишда кескин чора-тадбирлардан воз кечамиз. Чунки ислоҳотлар даврида давлат тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатиши учун бюджет барқарорлиги сув билан ҳаводек зарур.

Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ниятида бўлган инвесторлар учун мамлакатимизни жозибали қилиш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур.

Ўз эҳтиёжи учун объектлар қураётган, янги ташкил этилган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ягона солиқ тўловини маълум муддатга кечиктириш ҳуқуқини бериш даркор. Шунингдек, кичик корхоналар учун қўшимча қиймат солиғи тўлашга ўтишни рағбатлантириш шарт.

Шу билан бирга, тез ривожланаётган, йириклашиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш лозим.

Солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб, уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтишни таклиф этаман.

Энг муҳими, инвесторлар назари билан қараганда, солиқ тизими узоқ муддат давомида аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Шунинг учун солиқ тизимида пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган сиёсатни амалга ошириш лозим.

Биз мамлакатимиз бюджет тизимини қайта кўриб чиқишимиз, бюджет даромадлари ва харажатлари халқимиз учун очиқ ва ошкора бўлишини таъминлашимиз зарур.

Бизда инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган ягона концепция йўқ.

Амалдаги инвестиция дастурларида аниқ бир лойиҳага оид маълумотлар йўқ. Дастурларни шакллантиришда Иқтисодиёт вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар фақат рақамлар ортидан қувиш билан банд. Улар шу мақсадда иқтисодий наф бермайдиган, истиқболи йўқ, молиялаштириш манбалари аниқ бўлмаган лойиҳаларни ҳам дастурга қўшиб юбориш, лойиҳа нархини асоссиз ошириб кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, кўзбўямачилик билан шуғулланмоқда.

Бундай нохуш амалиётга чек қўйиш вақти келди. Биз бу ҳолатларга барҳам бериш ва инвестицияларни иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилиш, лойиҳаларни шакллантиришнинг бутунлай янги механизмини жорий этиш бўйича қарор қабул қилдик. Шошма-шошарлик билан ишлаб чиқиладиган сохта инвестиция дастурларини қабул қилиш амалиётидан бутунлай воз кечилди.

Бундан буён ривожланишнинг узоқ муддатга мўлжалланган концепциялари ишлаб чиқилади. Бу борада биринчи қадам сифатида Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари қабул қилиниб, мазкур дастурларни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан биридир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқоридаги фикрлар реал сектор корхоналарида фойдасини таҳлил қилишнинг аҳамиятини чуқур тушунишга ундайди, унинг ички имкониятларини аниқлаш давр талаби эканлигини тушуниб етиш заруриятини келтириб чиқаради.

3.3. КИЧИК КОРХОНАЛАРДА ФОЙДА ҲАЖМИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришишни таъминлаш муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса, энг аввало, иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур. Шунга кўра, мамлакатимиз корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этиб, республикамизда ушбу жараён бир қатор асосий йўналишлар бўйича амалга оширишни таъозо этади (3.3.1-расм).



3.3.1-расм. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари.[42]

Айниқса, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

[42] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармони.

Иқтисодиётнинг реал сектори – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳа бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган **инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз.** Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади[43]. Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инновацон, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – маҳсулотларимиз таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунга кўра, Ўзбекистон

[43] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 22.12.2017 йил.

Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармонида муҳим чора-тадбирлар қаторида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатдошлигини таъминлаш вазифаси ҳам белгилаб берилган эди.

Ушбу вазифани амалга ошириш доирасида мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди (3.3.2-расм):



3.3.2расм. Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари.

Натижада 2017 йил мобайнида саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи 18 фоизга, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси сингари ва бошқа корхона ва тармоқларда 20-25 фоизга камайди. Жумладан, республикамизда иқтисодиёт комплекслари бўйича ишлаб чиқарилган

маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича эришилган натижаларни қуйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин (3.3.1-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, 2017 йилда республикамиз бўйича маҳсулот-лар таннархини 2079,5 млрд. сўмга ёки 20,38 фоизга қисқартиришга эришилган.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашдаги муҳим тадбирлардан яна бири – турли сабабларга кўра вужудга келган ҳамда корхонанинг соғлом молия-хўжалик фаолияти юритишига жиддий таъсир кўрсатиб келаётган қарзларини қайта кўриб чиқиш (реструктуризация қилиш) ҳисобланади. Мазкур тадбир орқали корхоналарнинг мавжуд қарзларининг вужудга келиш сабаблари ва уларни тўлаш имкониятлари ўрганилади.

Хусусан, 2017 йил давомида ҳам давлат томонидан реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди.

Фойда корхонанинг натижавий кўрсаткичи бўлганлиги сабабли унга кўп сонли ташқи (савдога боғлиқ бўлмаган) ва ички омиллар таъсир қилади.

Ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий барқарорлик;
- иқтисодиётнинг ҳолати;
- демографик ситуация;
- бозор конъюктураси, жумладан истеъмол товарлари бозори;
- инфляция даражаси;
- кредит буйича банк фоизлари;
- бахони миқдори;
- тарифлар, тўловлар ва бадаллар микдорлари.

Ички омилларга қуйидагилар киради:

- савдо устамалар микдори (сотишдан олинган даромад);
- муомала харажатлари миқдори;

3.3.1.-жадвал

2017 йилда Ўзбекистонда иқтисодиёт комплекслари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича эришилган натижалар.

Комплекслар номи	**Маҳсулот таннархининг пасайиши**	
	млрд. Сўмда	**фоизда**
1	***2***	***3***
Геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть- кимё ва металлургия саноати комплекси	1156,3	21,9
Машинасозлик, электр техникаси ва авиация саноати ҳамда маҳсулотларни стандартлаштириш комплекси	156,2	18,5
Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш саноати комплекси	458,8	21,3
Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари комплекси	295,1	20,0
Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза комплекси	13,1	20,2
Республика бўйича жами	**2079,5**	**20,38**

- товарларни силжитиш каналлари;
- мехнат унумдорлиги;
- товар айрибошлаш тезлиги (кунлар ва маротабаларда);
- ўз маблағларининг микдори;
- асосий фондлардан ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

Лекин, шундай омиллар ҳам борки, улар корхона фойдасига жуда катта

салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, реал сектор корхонасининг фойдаси ҳажми бевосита аҳоли пул даромадига боғлиқ. Аҳоли пул даромади қанча кўп бўлса аҳолининг шунча товарларни харид қилиб олиш имкони бўлади ва аксинча. Яна бир мисол, корхона мутахассислари ва раҳбарларининг билиб-билмай давлатнинг қонунларини, қарорларини ва бошқа меъерий хужжатларда келтирилган кўрсатмаларини ўз вақтида бажармаслиги оқибатида тўланиши керак бўлган маблағларга яна қўшимча катта миқдорда жарималар, неустойкалар, фоизлар тўланиши мумкин. Бу харажатлар кўзда тутилмаган харажатлар бўлиб корхонанинг оладиган фойдасини сунъий равишда камайтиради[44]. Ушбу гуруҳ омилларига яна бирқанча мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ўз вақтида солиқ тўламаганлиги туфайли катта жарима тўлашлик. Ўз вақтида чорасини кўрмасдан муддати ўтган дебиторлар ва умидсиз дебиторларнинг пайдо бўлиши каби бирқанча омиллар корхона фаолиятидан оладиган фойдасига жуда катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу туфайли бу масалаларга корхона раҳбарлари, мулк эгалари алоҳида аҳамият беришлари лозим.

Кўриниб турибдики, корхонанинг фойда ва рентабеллигига бир қанча омиллар таъсир қилар экан. Аммо, шуни эътироф этиш керакки шу омилларнинг натижа ўзгаришига таъсири фақат иқтисодий таҳлилда аниқланади.

[44] Пардаев М.Қ, Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2017.

ХУЛОСА

Битирув малакавий ишда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди ва илмий-амалий аҳамиятга молик бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

Мамлакатимиз тараққиётининг ижтимоий йўналтирилган бозори иқтисодиёти йўлининг танланиши хўжалик юритиш шаклларининг хилма-хиллиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кучайишини тақозо этади. Бугунги ишлаб чиқариш ва ноишлабчиқариш корхоналарининг кундаги энг асосий муаммолардан бири ишлаб чиқариш ва режалаштириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишни орқали ишлаб чиқриш самарадорлигини оширишдан иборат.

Бу эса келажакда корхоналар фойдасини шаклланиши ва унинг тақсимланиши билан боғлиқ муммоларни бартараф этишни тақозо этади. Шундай экан, ушбу ишда юқоридаги масаларга хусусий ва умумий ёндашган тарзда, фикр ва мулоҳазалар келтирилган ва илгари сурилган. Маълумки, деярли ҳамма ҳолларда натижанинг нечоғлик самара бериши кўп жиҳатдан ушбу корхонада режалаштириш ҳамда унинг ташкил этилиш шаклига чамбарчас боғлиқ бўлади.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида Республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат эркин бозор, пул муносабатларига асосланган, иқтисодий тизим ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишга қаратилган. Бундай мақсадни амалга оширишда албатта, корхоналар фойдасини тақсимлаш билан боғлиқ муносабатларни режалаштириш ва бошқарув тизимида тиғизликлар юзага келиши, бундай тиғизликни бартараф этишда мавжуд усуллар билан бирга янги ва замонавий режалаштириш тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

- Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчиликка асосланган корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши асосида уларнинг камроқ

харажатлар эвазига кўпроқ фойда берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариши ётади. Харажатлар сарфи кўрсаткичлари саноат корхоналари фаолиятига иқтисодий баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қанча харажатлар қилинганлигини кўрсатади.

- Соф рақобатли иқтисодиёт шароитида ҳар бир корхона маҳсулотларнинг бозорда талаб ва таклиф асосида шаклланган баҳоларига катта таъсир кўрсата олмайди. Аммо яратилаётган маҳсулотга қилинаётган харажатлар даражаси, яъни маҳсулот таннархи корхона фаолиятига бевосита боғлиқ. Шунингдек, сарфланган ишлаб чиқариш харажатларини ҳар томонлама пасайтириш, корхона харажатларини камайтирадиган технологияларни қўллаш, маҳсулот бирлигига харажатларни камайтириш таннарх пасайишига ва натижада ялпи даромад ҳамда фойда ошишига олиб келади.

Битирув малакавий иши юзасидан амалга оширилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш бир қатор хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишга имкон яратди:

- Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчиликка асосланган корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши асосида уларнинг камроқ харажатлар эвазига кўпроқ фойда берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариши ётади. Харажатлар сарфи кўрсаткичлари реал сектор корхоналари фаолиятига иқтисодий баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қанча харажатлар қилинганлигини кўрсатади. Маҳсулот бирлигига харажатларни камайтириш таннархни пасайишига ва натижада ялпи даромад ҳамда фойда ошишига олиб келади.
- Реал сектор корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа хўжалик-молиявий фаолияти натижасида юзага келадиган харажатларини тўртга бўлиш мумкин:

- маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар;
- давр харажатлари;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- фавқулодда зарарлар.

- Таннархда корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг сифат кўрсаткичлари – ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, ишлаб чиқариш технологияси ва меҳнатни ташкил этиш даражаси, корхонани тежамкорлик билан ва оқилона юритиш омиллари ўз аксини топади.
- Маҳсулот таннархи корхона харажатлари тушунчасидан фарқ қилади. Маҳсулотнинг (ишнинг, хизматнинг) ишлаб чиқариш таннархига уни бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади.

Материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, республика реал сектор корхоналарида ресурслар самарадорлигини ошириш ва маҳсулотлар таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишлари қуйидагича:

- Реал сектор корхоналари ишлаб чиқаришида меҳнат сарфини камайтириш;
- Реал сектор корхоналарида янги технологиялардан фойдаланиш ҳисобига харажатларни қисқартириш;
- Реал сектор корхоналари ишлаб чиқаришга юқори унумли, ишончли ва арзон ишлаб чиқариш воситаларини жорий этиш;
- Реал сектор корхоналарида асосий ва айланма фондлардан оқилона ва самарали фойдаланиш;
- Реал сектор корхоналарида ишлаб чиқаришнинг материал сиғимини камайтириш ва тежамкорликка эришиш;
- Реал сектор корхоналарида машина ва техникаларнинг кунлик ва йиллик иш унумини кўтариш;
- Реал сектор корхоналарида ресурсларни тежовчи ва чиқитсиз технологиялардан кенг фойдаланиш;

- Реал сектор корхоналарида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларидан фойдаланиш;
- Реал сектор корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш;
- Реал сектор корхоналарида маҳсулотлар сифатини ошириш ва йўқотишларга йўл қўймаслик;

Корхона фойдаси муҳим аҳамиятга эга, чунки у барча молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар негизини ташкил қилади. Аммо, хўжалик фаолиятининг пировад натижаси соф фойдага эришиш билан белгиланади. Шу туфайли иқтисодий таҳлилда соф фойдани ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Реал сектор корхонаси фойдаси ва рентабеллик тахлилининг асосий мақсади савдо корхонанинг хисобот даврида олган фойдасини миқдор ва таркибий жиҳатдан бахолаш, уларнинг олдинги даврларга нисбатан ўзгаришига, мазкур кўрсаткичлар буйича режа бажарилишига баҳо бериш, келгусида реал сектор корхонаси фойдасини кўпайтиришга каратилган чора-тадбирлар ишлаб чикиш ва корхона фаолиятининг рентабеллигини таъминлашдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун реал сектор корхоналари фойдаси ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили олдига бир қатор вазифалар қуйилади. Бизнинг фикримизча, ушбу вазифалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- келгусида фойда ва рентабелликни режалаштириш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш;
- ҳисобот даврида олинган фойдани микдор ва таркибий жиҳатдан таҳлил қилиш;
- фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг сўнгги йиллардаги динамикасига баҳо бериш;
- фойдани кўпайтириш учун мавжуд ички ва ташқи имкониятларни ўрганиш;

- фойда ва рентабеллик кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва шу омилларни фойдани оширишга сафарбар килиш ва бошқалар

Фойда корхонанинг натижавий кўрсаткичи бўлганлиги сабабли унга кўп сонли ташқи (савдога боғлиқ бўлмаган) ва ички омиллар таъсир қилади. Ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий барқарорлик;
- иқтисодиётнинг ҳолати;
- демографик ситуация;
- бозор конъюктураси, жумладан истеъмол товарлари бозори;
- инфляция даражаси;
- кредит буйича банк фоизлари;
- бахони миқдори;
- тарифлар, тўловлар ва бадаллар микдорлари.

Ички омилларга куйидагилар киради:

- савдо устамалар микдори (сотишдан олинган даромад);
- муомала харажатлари микдори;
- товарларни силжитиш каналлари;
- мехнат унумдорлиги;
- товар айрибошлаш тезлиги (кунлар ва маротабаларда);
- ўз маблағларининг микдори;
- асосий фондлардан ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

Реал сектор корхоналари фойдаси ва рентабеллиги тахлили бир томондан мазкур кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини ўрганса, иккинчидан хўжалик фаолиятини батафсил ўрганиб келгуси давр учун фойдани режалаштиришга тегишли ахборотларни тўплаб беради.

Реал сектор корхонасида фойда ва рентабеллик тахлили мукаммал бўлиши учун таҳлил мобайнида ушбу кўрсаткичлар олдинги йиллар билан

солиштирилиши, уларнинг сўнгги йиллардаги динамикаси ўрганиб чиқилиши лозим. Фойда ва рентабелликнинг динамик таҳлили олдинги қабул қилинган бошқарув қарорларининг самарадорлигини бахолаш, шунингдек фойда кўрсаткичларининг кўпайиш тенденциясини белгилаб олиш имкониятларини яратади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида реал сектор коронасида фойда ва рентабеллик таҳлилининг асосий вазифаларидан бири уларга таъсир этувчи омилларни чуқур ўрганиш орқали ички имкониятларни ахтариб топиш ва уларни фойдани оширишга сафарбар қилишдан иборатдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, таҳлилнинг вазифаси бугунги мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида ҳам, келажакда ҳам реал сектор корхоналари хўжалик фаолиятини узлуксиз яҳшиланиб бориши учун иқтисодий дастак сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун корхоналарнинг молиявий ахволини, хусусан фойдасини бахолаш катта ахамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституция. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 26 ноябрдаги ПФ-4853-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 12-сон, 110-модда)
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида. 2003 йил 11 октябрь, 439-сон.
7. Мирзиёев Ш.М Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.// Халқ сўзи. 15 январ 2017 йил.
8. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.
9. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан қурамиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Руспубликаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.
10. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январь ойида бўлиб ўтган “Мамлакатимизни 2016

йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган мажлисида сўзлаган нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 16 январь.

11. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013.
12. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2016 йил 15 январь. - http://uza.uz
13. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш –Т.20. Т.: Ўзбекистон 2012. 189-192 б.
14. Doing Business. Оценка бизнес регулирования. http://russian.doingbusiness.org/
15. Проблемы и ограничения государственного вмешательства в экономику. - http://econtool.com/
16. Темур тузуклари. Т.: “Ўзбекистон”, 2013.
17. Артиков А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2016. 220 бет.
18. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари.-Т.: Меҳнат, 2015.
19. Абдукаримов И.Т ва бошқ. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: “Ўқитувчи”, 2014
20. Кравченко Л.И. Анализ хозяйственной деятельности. Мн.: Выш. школа, 2015.
21. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик,-Т.:«Иқтисод-молия». I-қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри, 2016.
22. Мухаммедов М.М и др. Экономика торговли. Самарканд. 2016.
23. Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2015.
24. Пардаев М.Қ, Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2017.

25. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. “Иқтисод молия”, 2017.
26. Н. И. Базулев, С. П. Гурко, М. Н. Базулева, А. К. Корольчук, М. Г. Муталимов, Л. Н. Новикова. Микроэкономика. Издательство: БГЭУ 2015 ISBN: 985-426-183-2.
27. Основы бизнеса. Учебник. –М.: Маркет Дс, 2016
28. Славин М.Б. Системный подход в микроэконимике. - М.: ТЕИС, 2015.
29. Фридман А.М. Экономика предприятий. Учебник. – М.: «Дашков и Ко» 2016.
30. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н., Мухиддинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: “Ўқитувчи”, 2015.
31. К.С. Хамдамов. Микроиқтисод. -Т.: ТДИУ, 2016.
32. Э. Эгамбердиев, Х. Хўжақулов Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т., Маънавият, 2016.
33. Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 17 декабрь.
34. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 25 декабрь.
35. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 20 январь.
36. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 16 февраль.
37. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 февраль.
38. www.xs.uz
39. www.religions.uz
40. www.tiu.uz
41. www.xs.uz
42. www.press-service.uz
43. www.gazeta.uz
44. www.uza.uz
45. https://www.gazeta.uz/uz/2017/01/16/yaim/
46. https://www. sputnik.uz
47. www.gov.uz
48. https://pm.gov.uz/uz
49. www.oxs.uz
50. www.mineconomy.uz
51. www.xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/9263
52. www.kun.uz
53. www.imce.ru
54. www.stat.uz
55. www.mf.uz